

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
МАРКАЗИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК 330.5.057.7*

**ХАМДАМОВ ШОҲ-ЖАХОН РАХМАТ ЎҒЛИ**

**БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЖАДАЛ ОМИЛЛАРИНИ  
ФАОЛЛАШТИРИШ**

08.00.02 – “Макроиқтисодиёт” ихтисослиги бўйича

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. А.С.Усманов**

**Тошкент – 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>I- БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БОБ. ТАЪМИНЛАШДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ</b>	<b>14</b>
<b>1.1. § Барқарор ривожланиш ва жадал иқтисодий ўсишнинг назарий жихатлари</b>	<b>14</b>
<b>1.2. § Жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари</b>	<b>26</b>
<b>1.3. § Жадал иқтисодий ўсишни таъминлашда жаҳон тажрибаси</b>	<b>38</b>
<b>II- БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БОБ. ТАЪМИНЛАШДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ</b>	<b>49</b>
<b>2.1. § Барқарор ривожланишни таъминлашда макроиқтисодий тенденциялар ва яшил иқтисодий ўсиш таҳлили</b>	<b>49</b>
<b>2.2. § Барқарор ривожланишни таъминлашда жадал иқтисодий ўсиш ҳолати, индекслари таҳлили</b>	<b>65</b>
<b>2.3. § Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлашда жадал иқтисодий ўсиш омилларининг таъсир даражасини аниқлаш</b>	<b>74</b>
<b>III- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ БОБ. ЎСИШ ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	<b>85</b>
<b>3.1. § Барқарор ривожланишни таъминлашда иқтисодий ўсишни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш йўналишлари</b>	<b>85</b>
<b>3.2. § Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсишнинг прогноз кўрсаткичлари ва уни ошириш йўналишлари</b>	<b>100</b>
<b>3.3. § Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсишни давлат томонидан ривожлантиришни ошириш йўллари</b>	<b>109</b>
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b>	<b>125</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	<b>128</b>
<b>Илова</b>	<b>141</b>

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибасига кўра ривожланган давлатларда иқтисодий ўсишда жадал (интенсив) омиллар ҳиссаси устунлик қилса, ривожланаётган давлатларда экстенсив омиллар ҳиссаси устунлик қилмоқда. 2015 йилда БМТга аъзо давлатлар 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш дастурини қабул қилган<sup>1</sup>. Ушбу дастурда иқтисодиётда самарадорликнинг ўсишига эришиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда шу жиҳатдан ҳам барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда иқтисодий ўсишнинг жадал омилларини фаоллаштириш долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишга эришишда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган. Бу борада ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши ва унинг омилларидан мақбул ҳамда оқилона фойдаланиш, иш билан бандлик даражаси ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида иқтисодий ўсишнинг ижтимоий жиҳатларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, муносиб макроиқтисодий сиёсат дастакларини қўллаш орқали барқарор иқтисодий ўсиш сифатини оширишнинг услубий ёндашувларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ривожланишни таъминлашда иқтисодий ўсиш омилларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички

---

<sup>1</sup>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюцияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги №841 сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.

маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш»<sup>2</sup> муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишида жадал иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи муҳим омилларни аниқлаш, Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичининг инновациялар ва давлат бошқаруви сифатига боғлиқ ҳолда ўсиши, макро ва микро кўламда ҳисоблашнинг услубий асосларини такомиллаштириш, инновациялар ва Ялпи унумдорлик омиллари динамикасидаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда кўп вариантли прогнозларни ишлаб чиқиш йўналишида илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида», 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш,

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Жадал иқтисодий ўсиш» тушунчаси дастлаб Жаҳон банки томонидан амалга оширилган тадқиқотларда қўлланилган<sup>3</sup>. Жаҳон амалиётида жадал иқтисодий ўсишни ифодаловчи сифатли иқтисодий ўсиш, иқтисодий ўсишнинг сифати ва ижтимоий масалалар билан уйғунликда талқин этилувчи инклюзив ўсиш тушунчаси қўлланила бошланди.

Хориж олимлари томонидан жадал иқтисодий ўсиш ва унинг сифатини ошириш билан боғлиқ қатор изланишлар амалга оширилган<sup>4</sup>. Жумладан, иқтисодий ўсишнинг омиллар аҳамиятини ошириш каби барқарор ўсиш сифатининг мезонларини тадқиқ этиш билан боғлиқ ишлар М.Spence ва R.Solow иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини барқарор ўсиш сифатига таъсири E.Korso, институционал бирликларнинг иқтисодий ўсиш сифатини инклюзив жиҳатларига таъсири K.Sen, инклюзив ўсиш кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар P.Vellala, M.Madala, U.Chhattopadhyay, ишсизликни камайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга қаратилган макроиқтисодий сиёсат

---

<sup>4</sup> <https://www.worldbank.org/en/search?q=intensive+growth&currentTab=10>

Bing Zhou, Xiaoyan Zeng, Lu Jiang, Bing Xue. High-quality Economic Growth under the Influence of Technological Innovation Preference in China: A Numerical Simulation from the Government Financial Perspective. Structural Change and Economic Dynamics. Volume 54, September 2020, Pages 163-172. Качество роста [Текст]: монография / В.Томас, М.Дайлами, А.Дхарешвар и др.: Пер. с англ. Сальникова А. - М.: ВесьМир, 2001. С. 29. Solow R. Growth Theory: an exposition (2 nd edition). Oxford: Oxford University Press, 2000. -190p; Charles I. Jones. Introduction to economic growth/I.J. Charles. Stanford University. 1997. -200p; ЛукасР. Лекция по экономическому росту/Р. Лукас: пер. сангл. Д.Шестакова. -М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2013. - 288 с; Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное/Дж. Кейнс. -М.: Эксмо. 2007. -960 с; Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития // М.Спенс, Р.Солоу и др. «ВестМир», 2009.// [Commission Final Report Russian.pdf](#); E.Korso. Inclusive growth analysis and HRV: a methodological note. 2011 <http://siteresources.worldbank.org/INTDEBTDEPT/Resources/468980-1316457581843/TPIGandHRV.pdf>; K.Sen. Inclusive Growth: When May We Expect It? When May We Not? [https://openaccess.adb.org/bitstream/handle/11540/4104/Volume%2031\\_No%201\\_2014\\_05.pdf?sequence=1](https://openaccess.adb.org/bitstream/handle/11540/4104/Volume%2031_No%201_2014_05.pdf?sequence=1); P.Vellala, M.Madala, U.Chhattopadhyay. A Theoretical Model for Inclusive Economic Growth in Indian Context // [http://www.ijhssnet.com/journals/Vol\\_4\\_No\\_13\\_November\\_2014/27.pdf](http://www.ijhssnet.com/journals/Vol_4_No_13_November_2014/27.pdf); С.Аюяги, G.Ganelli. Asia's Quest for Inclusive Growth Revisited. 2015, International Monetary Fund <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2015/wp1542.pdf>; R.Anand, S.Mishra, and S.Peiris. Inclusive Growth: Measurement and Determinants. 2013, International Monetary Fund <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2013/wp13135.pdf>; ЛавровЕ., КапогузовЕ. Экономический рост: теория и проблемы. - Омск: Изд-во ОмГУ, 2006; ШараевЮ. Теория экономического роста [Текст]/Ю.Шараев: Гос. Ун-т - Высшая школа экономики. -М.: Изд. Дом. ГУ ВШЭ, -254 с; Налогово-бюджетная политика и экономический рост. Международный банк реконструкции и развития/Всемирный банк. 2007.

асосида барқарор ўсиш сифатини ошириш C.Aoyagi, G.Ganelli, макроиктисодий барқарорлик, инсон капитали, таркибий ўзгаришлар ва ташқи савдо эркинлиги асосида жадал иқтисодий ўсишни ошириш масалалари R.Anand, S.Mishra, S.Peirisлар тадқиқотларида ўрганилган. Шу билан бирга, иқтисодий ўсишнинг рақобат, ташқи савдо, капитал ва аҳоли сонига ўзгаришлар билан боғлиқлиги A.Smith, D.Ricardo, J.Mill, инновация, техника-технологиялар таъсири J.Schumpeter, инвестициялар, мультипликатор ва акселератор принциплари асосида ялпи талаб билан боғлиқлиги E.Domar, J.Keyns, A.Hansen, R.Harrod, асосий капитал ва инсон капиталини жамғариш ҳамда техника тараққиёти асосидаги барқарор ўсиш даражаси Ch.Jones, E.Denison, R.Solow, T.Swanлар техника тараққиётини эндоген омил сифатидаги талқини D.Barro, P.Romer, R.Lucas, S.Rebelo ва бошқалар илмий изланишларида ёритилган.

Ўзбекистонда техника тараққиёти, қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантириш, таркибий ўзгаришлар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ўсиш омиллари ва унинг умумназарий жиҳатлари С. Гулямов, К.Абдурахмонов, У.Мадраимов, А.Худойқулов, Қ.Мамбетжанов, Ш.Мустафакулов, А.Усманов, А.Бекмуродов, Д.Артиқова, И.Искандеров, Н.Тўхлиев, О.Хикматов, Т.Жўраев, У.Гафуров, Ш.Шодмонов, инвестиция муҳити, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда инновацияларнинг барқарорликка таъсири А.Расулев, А.Қодиров, М.Маматов, М.Бўстонов, Н.Каримов, Ш.Юлдашев, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик боғлиқлиги Н.Махмудов, Ю.Мухаммедов, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг роли Х.Абулқосимов, Б.Беркинов, иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги ва сифати мезонлари А.Вахабов, жадал иқтисодий ўсишни таълим ва давлат институтлари билан боғлиқлиги С.Чепель, аҳоли саводхонлиги, ахборот технологиялар даражаси, иқтисодиётни диверсификациялашув жараёнларининг ўсиш сифатига

таъсири И.Қаюмова, Т.Шодиевларнинг илмий ишларида баён этилган<sup>5</sup>.

Мазкур масалани илмий-услубий жиҳатларини ривожлантириш, унга омиллар, соҳа ва тармоқлар таъсирини тадқиқ қилиш асосида миллий иқтисодиётда барқарор ўсиш сифатини ошириш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга етарли даражада эътибор берилмаган. Жадал иқтисодий ўсишнинг атрофлича ўрганилмаганлиги, мазкур масалани миллий иқтисодий тизим хусусиятлари асосида тадқиқ этиш зарурати ушбу мавзунини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот марказининг №ОТ-Ф1-022 “Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва

---

<sup>5</sup>Бекмуродов А. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. - Т.: 2005. - 310 б; Абдурахмонов Қ. Оламни махлиё айлаган диёр. -Т.: Фафур Фулом НМИУ, 2016. - 252 б; Абдурахмонов Қ. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари - энг олий қадрият. -Т.: Фафур Фулом НМИУ, 2017. - 364 б; Ўзбекистон: десять лет по пути формирования рыночной экономики// Колл. авт.: Р.Алимов, А.Бердинцев, А.Расулев и др./Под. ред. А.Хикматова. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, -352 с; Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002. - 416 б.; Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. Ш.Шодмонов (ва бошк.): ТДИУ. Монография. -Т.: АДИБНАШРИЁТИ, 2010. 256 б.; Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт// Муаллифлар жамоаси: Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошк.// С.С.Фуломов тахрири остида., 2006, - 440 б; Каримов Н. Иқтисодий интеграллашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмаларини жорий этиш масалалари. - Т.: Фан ва технология, 2007. - 214 б; Юлдашев Ш. Иностранные инвестиции как фактор экономического роста в либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан: Дис...док.экон.наук.: Нац. унв. Узб., -Т., 2001. - 350 с; Махмудов Н. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия. - Т.: 2016 йил №3. 2-8 б; Махмудов Н.М. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг ролини ошириш йўллари // Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ТДИУ. 2015 йил, 23-29 б; Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) : Иқт.фан.док. ... дис.: ТДИУ, -Т., 2006. -504 б; Абулқосимов Х., Беркинов Б. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. -Т.: ТДИУ, 2007. -198 б; Абулқосимов Х. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. -Т.: ТДИУ, 2011. - 188 б; Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит. -Т.: 6/2011. 38-42 б; Вахобов А. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашни методологик жиҳатлари // “Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар” номли анжуман материаллари. -Т.: ТДИУ, 2016 йил 12 март; Влияние экономического роста на сокращение доли малообеспеченного населения Узбекистана. Колл. авт. под ред. Чепель С. - Т.: 2012; Қаюмова И. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқт. фан. док. ... дис. -Т.: 2012. - 289 б; Шодиев Т. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -Т.: 2011, № 1. С. Чепел "Иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделига ўтиш учун шароитларни таъминлашда институционал омилнинг роли". "Модернизация стратегияси ва узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш" Ўзбекистон иқтисодчиларининг ИИИ форуми нашрлари тўплами. ИПМИ, ГИЗ, БМТТД, Тошкент, 2017 йил.

захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** барқарор ривожланишни таъминлашда жадал иқтисодий ўсиш омилларидан самарали фойдаланиш ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

мамлакатни барқарор ривожлантиришда жадал иқтисодий ўсишнинг назарий ва услубий жиҳатларини таҳлил қилиш;

жадал иқтисодий ўсишни таъминлашда макроиқтисодий стратегиялар, жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон бўйича солиштирма таҳлил қилиш асосида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатда жадал иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш, таъсир даражасини аниқлаш;

барқарор иқтисодий ўсиш сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва уларни баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларни улсубий жиҳатларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

барқарор иқтисодий ўсиш даражаси ва сифатини оширишда давлат томонидан янада рағбатлантириш, қўллаб қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

барқарор ривожланишни таъминлашда жадал иқтисодий ўсиш омилларининг аҳамиятини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жадал иқтисодий ўсишни ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ташкил этади.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, иқтисодий-математик, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаштириш ва монографик кузатув усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жадал иқтисодий ўсишни таъминлашда энг аввало қайси омилларга эътибор қаратишдан келиб чиққан ҳолда макродаражада жадал иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар таркибини аниқлашга бўлган ёндашув такомиллаштирилган;

мамлакатда Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичининг инновациялар ва давлат бошқаруви сифатига боғлиқ ҳолда ўсиши асосида макродаражада жадал иқтисодий ўсишни таъминлашга бўлган ёндашув такомиллаштирилган;

илк бор ишлаб чиқаришнинг ўсишини “капитал ўсиши”, “ишчи кучи қиймати ўсиши” ва “жами унумдорлик омиллари ўсиши”дан фойдаланган ҳолда макро ва микро кўламда ҳисоблашнинг ( $\Delta Y = \Delta A + \Delta K + \Delta L$ ) услубий асоси такомиллаштирилган;

инновациялар ва Ялпи унумдорлик омиллари динамикасидаги ўзгаришларни баҳолашнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган кўп вариантли прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жадал иқтисодий ўсишни ифодаловчи “интенсив иқтисодий ўсиш” кўрсаткичи ишлаб чиқилган ва уни Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичига юқори корреляцион ҳамда тўғри пропорционал боғлиқлиги асосланган;

мамлакатда жадал ўсиш омилларидан фойдаланган ҳолда умумий жадал ўсишни ифодаловчи ҳисоблаш ЯУОга нисбат осонроқ муаллифлик индекси ишлаб чиқилган ва мамлакатда жадал ўсишни ҳисоблаш, оқсоқ омилларни аниқлаш ва бартараф этиш имконияти юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

жадал инвестициялар улушини экстенсив инвестициялар улушига нисбатан босқичма-босқич ошириб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколати давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодий ўсишнинг барқарор даражаси давомийлигига кучли таъсир этувчи соҳа ва тармоқларни, омиллар ва манбаларни аниқлаш асосида унинг сифатини оширишга, жадал иқтисодий ўсишни ошириш асосида иқтисодиётни модернизация қилиш ва ресурсларни оқилona тақсимлаш орқали таркибий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда жадал иқтисодий ўсишни оширишнинг концептуал асослари, баҳолаш мезонлари, усуллари ҳамда эконометрик моделларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жадал иқтисодий ўсишнинг аниқланган омил ҳамда манбаларини ўзига хос жиҳатлари асосида жадал иқтисодий ўсишни ошириш истиқболлари, стратегик омилларини ҳамда устувор вазифаларини аниқлашда ҳамда ишлаб чиқилган хулосалардан олий ўқув юртларида ўқув адабиётларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижасида қуйидаги илмий натижа ва янгиликларни амалиётда фойдаланиш учун тақдим қилинган ва амалиётга жорий этилган:

жадал иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар таркибини аниқлаш бўйича такомиллашган ёндашувдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий

тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан макро ва ҳудудлар даражасида жадал иқтисодий ўсишга оид дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 04/10-02-10/10-4910-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши кураш қўмитасининг 2021 йил 3 декабрдаги 1275/03-16-сон маълумотномалари). Хулосалар мамлакатда жадал иқтисодий ўсишга таъсир этувчи энг муҳим омиллар аниқланган ҳолда прогноз кўрсаткичларнинг асослаш даражасининг юқорилигини таъминлашга хизмат қилган;

мамлакатда Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичининг инновациялар ва давлат бошқаруви сифатига боғлиқ ҳолда ўсиши асосида макродаражада жадал иқтисодий ўсишни таъминлашга бўлган такомиллашган ёндашувдан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан макро ва ҳудудлар даражасида жадал иқтисодий ўсишга оид дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 04/10-02-10/10-4910-сон маълумотномаси). Натижада, давлат бошқарув сифатининг муайян даражада ўсишининг макродаражада Ялпи унумдорлик омилларининг 0.58%га, инновациялар ўз навбатида Ялпи унумдорлик омилларининг 1.16%га ўсишга олиб келиши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

“капитал ўсиши”, “ишчи кучи қиймати ўсиши” ва “жами унумдорлик омиллари ўсиши”дан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг ўсишини макро ва микро кўламда такомиллашган ҳисоблаш тегишли норматив ҳужжат билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги, Интеллектуал мулк консултатив марказининг 2021 йил 29 январдаги 003163-сонли гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8 февралдаги 04/032-481-сон

маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсаткични макро ва микро кўламда ҳисоблашнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган;

инновациялар ва Ялпи унумдорлик омиллари динамикасидаги ўзгаришларни баҳолашнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган кўп вариантли прогнозидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан макро ва ҳудудлар даражасида жадал иқтисодий ўсишга оид дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 04/10-02-10/10-4910-сон маълумотномаси). Прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш 2021-2025 йилларда мақсадли инновациялар бирликлари асосида Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичларининг аниқлик даражасини оширишга хизмат қилган;

жадал иқтисодий ўсишни ифодаловчи “интенсив иқтисодий ўсиш” кўрсаткичи, уни Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичига юқори корреляцион ҳамда тўғри пропорционал боғлиқлиги ҳамда иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш услубининг “иқтисодий индекслар” асосида такомиллаштирилгани, “Барқарор ривожланиш” ва “барқарор ўсиш” иқтисодий атамалари моҳиятининг такомиллашган ёндашуви мос равишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши кураш кўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 04/10-02-10/10-4910-сон, Монополияга қарши кураш кўмитасининг 2021 йил 3 декабрдаги 1275/03-16-сон ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 8 февралдаги 04/032-481-сон маълумотномалари). Мазкур таклифлар барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда иқтисодий ўсишнинг жадал омилларини фаоллаштиришнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертацион тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, шундан 3 таси халқаро журналларда нашр этилган. Бундан ташқари 1 та илмий ишланмага Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

# **I-БОБ. БАҲҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

## **1.1.§ БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Интенсив иқтисодий ўсиш омиллари деб ишлаб чиқаришнинг унумдорлиги, тежамкорлиги, сифатига таъсир этувчи барча омилларга айтилади.

Мамлакат миқёсида интенсив иқтисодий ўсиш омилларига қуйидагилар киради:

- 1) инновацияларнинг жорий қилиниши;
- 2) ишчи кучи малакаси;
- 3) бозорлар иқтисодиёти учун қулай шароит;
- 4) инфраструктура;
- 5) давлат бошқаруви самарадорлиги;
- 6) муқобил ва арзон энергия манбалари;
- 7) коррупция;
- 8) саломатлик;
- 9) қонун устуворлиги;
- 10) маданий омиллар ва бошқалар.

Интенсив иқтисодий ўсишни аниқлашнинг умумий индекси сифатида Ялпи омиллар унумдорлиги кўрсаткичини келтиришимиз мумкин.

*Ялпи омиллар унумдорлиги - иқтисодий тушунча бўлиб, меҳнат ва капитал харажатларидан ташқари, ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар мажмуасини англатади.*

Интенсив иқтисодий ўсиш омиллари (унумдорлик омиллари) қуйидагича гуруҳланади:

I гуруҳ - асосий капитал(инвестиция) омиллари. Уларнинг роли инвестициялар ва узоқ муддатли моддий бойликларнинг сифати, ривожланиш даражаси ва фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Ушбу

омиллар меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш ва шунга мос равишда юқори сифатли ва самарали материаллардан фойдаланиш билан боғлиқ. Лекин моддийлашган меҳнатнинг ўсиши бу омиллар таъсири туфайли эришилган иш ҳажмининг ортишидан ошмаслиги керак. шу билан бирга, ҳар қандай фаолият тури асосий воситалар, уларнинг тузилиши ва қўлланиладиган технологиялар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, фақат асосий капитални кўпайтириш орқали эришилган иш ҳажмининг ўсишини аниқ белгилаш деярли қийин. <sup>6</sup>

II гуруҳ - ижтимоий-иқтисодий омиллар. Булар ходимларнинг таркиби ва малакаси, меҳнат шароити, миллат саломатлиги, ходимларнинг ишга муносабати ва бошқалар. Бу гуруҳда ходимлар таркиби ва иш сифати алоҳида ўрин тутаяди. Бундан ташқари, ҳар бир шахснинг умумий жами меҳнатга қўшган ҳиссаси бир хил эмас: жамоада баъзилари ҳар доим ўртача қийматдан кўпроқ, бошқалари эса ўртача қийматдан камроқ бўлади. Бироқ меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг ҳозирги жамоа усуллари буни ҳисобга олмайди. Индивидуал ходимнинг маҳсулдорлиги унинг қобилияти, малакаси, билими, ёши, саломатлик ҳолати ва бошқа бир қатор сабабларга боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги нуқтаи назаридан иш берувчининг иш қобилияти ва меҳнат унумдорлиги ўртача қийматлардан потенциал юқори бўлган "ўз" ходимини топиши муҳим аҳамиятга эга. Ходимларни бундай танлашга иш сифатини баҳолаш ва касб танлаш тизими ёрдам беради. <sup>7</sup>

Ушбу омиллар гуруҳида мамлакатнинг таълим ва соғлиқни сақлашга сарфланиши, яъни жамиятнинг ижтимоий соҳага сарфланишини қайд этиш лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, ходимларнинг касбий тайёргарлиги мактаб ва касб-хунар таълими, шу жумладан олий таълим даражасига боғлиқ бўлиб, миллат ва ҳар бир ходимнинг саломатлиги, хусусан, аҳолининг тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатига боғлиқ. Озиқ-овқат маҳсулотларининг тўлиқ таркиби ва

---

<sup>6</sup> Факторы повышения эффективности труда работников в экономике. <http://elibrary.ru>

<sup>7</sup> Факторы повышения эффективности труда работников в экономике. <http://elibrary.ru>

оқилона тузилиши, истеъмол молларининг мавжудлиги, шу жумладан рақобатдош маҳсулотлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ва уй-жой коммунал хизматларининг ривожланиш даражаси ҳаёт сифатининг зарур таркибий қисмлари бўлиб, инсоннинг иш фаолиятини тез ва ўз вақтида тиклаш, унинг кайфиятига таъсир қилади ва қулайлик ва ишончлилиқ ҳиссини яратади. Ижтимоий-иқтисодий омиллар қаторига аҳолининг алоҳида қатламлари ўртасида жамият даромадларини қайта тақсимланиш механизмини киритиш лозим.

III Гуруҳ -ташкилий омиллар. Улар меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш, ходимларни бошқариш бўйича чора-тадбирлар мажмуини қамраб олади. Иқтисодиётнинг ривожланиши билан ушбу омиллар гуруҳининг роли ортади. Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш тушунчаси корхонанинг ҳажми ва ўрнини танлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли сифатида ҳамкорлик, ихтисослашув ва комбинация, корxonани бошқариш схемаси, структураси ва услуби, унинг бўлинмалари вазифаларини белгилаш киради. Махсус гуруҳ жамоадаги муносабатларга ва иш интизомига таъсир этувчи омиллардан иборат.<sup>8</sup>

Улар, биринчидан, ходимларнинг қадриятлари тизими ва ходимларнинг мақсадларига, ходимларнинг хатти-ҳаракатларига ва жамоадаги микроиқлимга таъсир қилувчи ўзаро муносабатлар тамойиллари;

иккинчидан, ходимларни фаоллаштириш, рағбатлантириш чоралари;

учинчидан, бошқарув қарорлари, ишдаги камчилик ва хатоларни назорат қилиш ва огоҳлантириш чоралари.

Меҳнат унумдорлигининг бу омилларининг самараси объектив, шу жумладан табиий ва ижтимоий, фаолият шароитларидан келиб чиқади. Улар орасида иқлим шароити ва мамлакатнинг табиий бойлиги мавжудлиги, унинг

---

<sup>8</sup> Факторы повышения эффективности труда работников в экономике. <http://elibrary.ru>



ижтимоий ривожланиши, сиёсий ҳаёти ва аҳоли фаровонлиги даражасини ҳам қайд этиш зарур.<sup>9</sup>

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда ишлаб чиқариш омилларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари қараб икки гуруҳга ажратилади: интенсив (фаол, сифатли) ва экстенсив (кенг, миқдорий). Алоҳида корхоналарда иқтисодий ўсишнинг бу икки тури ўзининг соф шаклида алоҳида даврларда мавжуд бўлиши мумкин.

Миллий иқтисодиётга келсак, иқтисодий ўсишнинг фаол ва кенг турлари одатда бир вақтда мавжуд, лекин улардан бири етакчи ҳисобланади, шунинг учун миллий иқтисодиёт “асосан интенсив” ёки “асосан кенг” иқтисодий ўсиш тури билан ажралиб туради.<sup>10</sup>

Кенг турга ишлаб чиқаришнинг бир ёки бир нечта омилларидан фойдаланиш миқдорининг кўпайиши ҳисобига эришилади. Иқтисодий ўсишнинг кенг тури билан ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг ўсишидан ташқари, ЯИМнинг ҳам ўсиши кузатилади. Шунинг учун иқтисодий ўсишнинг бу тури асбоб-ускуналар, технология, ходимлар малакаси ва меҳнат унумдорлигидан доимий фойдаланиш даражаси билан тавсифланади. Кенг турдаги иқтисодий ўсишнинг асосий камчилиги шундан иборатки, улардан фойдаланиш ошиб бораётган омиллардан бири сифатида иқтисодий ўсиш суръати тушиб кетади. Агар учта омилнинг биридан фойдаланиш ҳажми тезроқ суръатда ошса, унинг ялпи маҳсулотдаги улуши ортади.<sup>11</sup> Натижада кенг иқтисодий ўсишнинг ўзини қуйидаги 3 турга бўлиш мумкин:

- капитал-интенсив (капитал талаб қиладиган);
- меҳнат талаб қиладиган;

---

<sup>9</sup> Факторы повышения эффективности труда работников в экономике. <http://elibrary.ru>

<sup>10</sup> Е. И. Лавров, М. Ю. Маковецкий, Т. Н. Полякова; Федеральное агентство по образованию, Омский гос. ун-т им. Ф. М. Достоевского Инвестиции, финансовый рынок и экономический рост : монография Омск 2007 <http://dlib.rsl.ru>

<sup>11</sup> Е. И. Лавров, М. Ю. Маковецкий, Т. Н. Полякова; Федеральное агентство по образованию, Омский гос. ун-т им. Ф. М. Достоевского Инвестиции, финансовый рынок и экономический рост : монография Омск 2007 <http://dlib.rsl.ru>

- ресурс талаб қиладиган.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури билан ишлаб чиқариш омилларининг сифатини яхшилаш орқали ялпи маҳсулотнинг ўсишига эришилади.

Биринчидан, илғор ва унумли машина ва ускуналар, меҳнат воситаларидан фойдаланиш орқали,

иккинчидан, кўпроқ иқтисодий меҳнат буюмларидан фойдаланиш орқали,

учинчидан, маҳсулот бирлигига хом ашё сарфини камайтириш орқали, тўртинчи, ишлаб чиқарилган товарлар сифатини яхшилаш орқали, ва бешинчидан, янада малакали ишчи кучидан фойдаланиш орқали.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, иқтисодий ўсишнинг интенсив тури технологик тараққиёт ва натижада меҳнат унумдорлигининг ошиши билан характерланади<sup>12</sup>.

Иқтисодий ўсишнинг кенг ва интенсив турлари ўзаро боғлиқ, шунинг учун уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ўзига хос хусусияти, лекин, одатда, янги технологиядан фойдаланиш туфайли меҳнат унумдорлиги ошади ва бу кенг иқтисодий ўсишнинг (капитал улушининг ошиши) ўзига хос хусусиятидир.

Ишлаб чиқариш омилларидан бирининг улуши камайишига қараб, иқтисодий ўсишни учта турга бўлиш мумкин<sup>13</sup>:

капитал тежовчи;

меҳнат тежовчи;

ресурс тежовчи.

---

<sup>12</sup> Е. И. Лавров, М. Ю. Маковецкий, Т. Н. Полякова; Федеральное агентство по образованию, Омский гос. ун-т им. Ф. М. Достоевского Инвестиции, финансовый рынок и экономический рост : монография Омск 2007 <http://dlib.rsl.ru>

<sup>13</sup> Ш.Хамдамов. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари ва унинг стратегик йўналишлари. Аналитик ишланма. – Т.: 2020.

Ишлаб чиқаришда машиналарнинг оммавий жорий этилиши бошланган XIX асрда қўл меҳнати машина меҳнати билан алмаштирила бошланди. Капиталнинг техник ва харажатлар таркиби ўсди. Бу даврда иқтисодий ўсишни капитал-интенсив ва меҳнат тежамкор деб таърифлаш мумкин. XX асрда барча саноати ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга ўтишни бошладилар. Конвеер ва ишлаб чиқариш линиялари кенг миқёсда ишлатилган. Бу еса меҳнат ва ресурслар бирлигига капитал харажатларнинг камайишига олиб келди. Шундай қилиб, XX асрнинг биринчи ярмида интенсив иқтисодий ўсишнинг капитални тежовчи тури шаклланди. XX асрнинг иккинчи ярми икки даврга бўлиниши мумкин:<sup>14</sup>

асрнинг учинчи ва тўртинчи чораклари. Учинчи чорак иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича енг қулай давр – НТР даврига тўғри келади. НТР катта сармоя талаб қилди. Бу босқич иқтисодий ўсишнинг билим-жадал ва капитал интенсив тури билан характерланади. XX асрнинг сўнгги чорагида иқтисодий ўсишнинг интенсив тури кўпайди. Электрон технологиядан кенг миқёсда фойдаланиш ишлаб чиқариш воситалари таннархининг камайишига олиб келди. Бу даврда юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта бўлиб, иш ҳақи даражасини оширади. Натижада капиталнинг органик ва харажат таркиби туша бошлади. Бу ҳолда, иқтисодий ўсишнинг меҳнат тежайдиган ва капитал тежайдиган интенсив тури мавжуд. Бу даврда энергия ресурслари билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келди. 1980 йилга қадар нефт ва газ нархи тез ўсди, натижада ресурс тежайдиган иқтисодий ўсишга дунё миқёсида эҳтиёж туғилди.<sup>15</sup>

1973-йилдан 1986-йилгача халқаро энергетика агентлигига аъзо бўлган 21 мамлакатда энергия сарфи 5% ва ЯММ 40%га ошган. Жумладан,

---

<sup>14</sup> Е. И. Лавров, М. Ю. Маковецкий, Т. Н. Полякова; Федеральное агентство по образованию, Омский гос. ун-т им. Ф. М. Достоевского Инвестиции, финансовый рынок и экономический рост : монография Омск 2007 <http://dlib.rsl.ru>

<sup>15</sup> Е. И. Лавров, М. Ю. Маковецкий, Т. Н. Полякова; Федеральное агентство по образованию, Омский гос. ун-т им. Ф. М. Достоевского Инвестиции, финансовый рынок и экономический рост : монография Омск 2007 <http://dlib.rsl.ru>

Японияда ЯММ 46% га, энергия сарфи еса 6% га камайган. Ақшда ЯММ 40% га камайган ва энергия сарфида ўзгариш кузатилмаган.

Ўзбекистонда ҳозирга қадар иқтисодий ўсишнинг кенг тури ҳукмрон бўлиб келмоқда. Халқ хўжалиги ёқилғи-энергетика ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, минерал ресурслар ва қўшимча меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришга жалб этилиши туфайли ривожланди. Собиқ совет иттифоқида капиталнинг техник, иқтисодий ва органик таркибида интенсив ўсиши билан ажралиб турарди. Бозор иқтисодиётининг асосий вазифаси иқтисодий ўсишнинг интенсив турига ўтишдир.

XX асрнинг буюк иқтисодчиларидан Ёзев Шумпетернинг айтишича — Фойда фақатгина инновация натижасида олинади, инновация одатга айланганда фойда бизни тарк этади<sup>16</sup>.

Иқтисодий ўсиш ўз-ўзидан мақсад эмас. Бироқ, иқтисодий ўсиш жамиятда бошқа муҳим вазифаларни бажаришга имкон беради. У кўпчилиқни қашшоқлик ва чарчоқ меҳнатидан қутқара олади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва дунё ўз мажбуриятларини эълон қилган БМТнинг минг йиллик декларациясида белгиланган бошқа мақсадларни қўллаб-қувватлаш учун захиралар яратади.<sup>17</sup> Мухтасар қилиб айтганда, биз одамларга самарали ишчи ва ижодий шахс бўлиш, уларнинг ҳаёт даражасини ошириш, яхши яшашни осонлаштириш учун таҳлил юритамиз.

Биз тез ривожланаётган мамлакатларнинг хусусиятларини аниқлашни ва бошқа ривожланаётган мамлакатларга хусусан Ўзбекистонга уларни қандай кўпайтиришни таклиф этамиз. Унда сиёсатчилар амалда қўллашлари мумкин бўлган формулани ўз ичига олмайди — бундай умумий формула йўқ. Ҳар бир мамлакат ўзининг ўзига хос хусусиятларига ва ўзининг тарихий тажрибасига эга, бу уларнинг ўсиш стратегиясида акс эттирилиши керак. Шу билан бирга, иш сиёсатчиларга ўзларининг ўсиш стратегияларини ишлаб

---

<sup>16</sup>“Инновационные сопоставления” Хамдамов Ш.Р. “Экономическое обозрение” №1. 2020. Б.71-73.  
<https://www.review.uz/ru/journals/01-241-2020>

<sup>17</sup> Доклад о росте Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития Доклад о росте Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития - страница 5. <http://kak.znate.ru>

чиқишга ёрдам берадиган доирани таклиф қилади. У уларга тўлик жавобларни бермайди, лекин ҳеч бўлмаганда уларга тўғри саволларни беришга имкон беради. Тез, барқарор ўсиш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу мамлакатнинг сиёсий раҳбарларидан узоқ муддатли мажбуриятни, шунингдек сабр-тоқат, қатъият ва прагматизмни талаб қилади.

25 йил давомида йиллик 7% ўсиши 20-асрнинг иккинчи ярмигача кузатилмади. Бу бугунги дунё иқтисодиёти янада очик ва интеграциялашганлиги сабабли мумкин бўлди.

Бу тез ривожланаётган иқтисодиётларга дунёнинг қолган қисмидан ғоялар, технологиялар ва ноу-хау импорт қилиш имконини беради. Ушбу маълумотларга эга бўлиш усулларида бири бу юқори ўсиш суръати билан баъзи иқтисодиётларни фаол жалб етган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар; яна бир усул чет элда таълим бўлиб, кўпинча халқаро алоқанинг узоқ муддатли тармоқларини ташкил этади. Ўқиш ўзингизни кашф қилишдан осонроқ бўлгани сабабли, қобилиятли ўқувчилар тезда етакчи иқтисодларни қўлга киритишлари мумкин. Барқарор юқори ўсиш — бу глобал иқтисодиёт унинг энг муҳим вазифалардан биридир.<sup>18</sup>

Очик дунё иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга уларнинг экспорти учун чуқур эластик бозорни таклиф этади. Меҳнат тақсимооти бозор ҳажми билан чекланганлиги сабабли, юқори талаб мамлакатларга янги экспорт йўналишлари бўйича ихтисослашишга ва турли хил усулларда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга имкон беради.<sup>19</sup>

Юқори ривожланган иқтисодиётлар ўзларини таркибий жиҳатдан ўзгартирмоқдалар. Ишда таъкидланганидек, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини макроиқтисодий "дарахтларнинг тепалари" билан ўлчаш мумкин, аммо барча ҳаракатлар янги ўсадиган новдалар пайдо бўладиган ва ўлик новдалар тушадиган "дарахт ўсиши" даражасида амалга оширилади. Ўсишга

---

<sup>18</sup> Доклад о росте Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития Доклад о росте Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития - страница 5. <http://kak.znate.ru>

<sup>19</sup> <http://www-wds.worldbank.org> Жаҳон банки маълумотлари.

йўналтирилган сиёсат ва ислохотларнинг аксарияти ушбу микроиқтисодий жараёнларни яратиш ва ўлиш жараёнларини рағбатлантириш ва, энг муҳими, ушбу динамикадан таъсирланган одамларни ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган. Ишчиларнинг етарлича сони ва ишончли глобал талабга эга бўлган ҳолда, ривожланишнинг дастлабки босқичларида ўсиш суръати асосан инвестицияларнинг даражаси билан чекланади (ҳам давлат, ҳам хусусий). Ушбу инвестициялар, ўз навбатида, тежаш миқдорида боғлиқ. Тез ривожланаётган иқтисодиётлар даромадларининг таъсирли қисмини шу мақсадга йўналтиришади — 20-25% ва ундан юқори миллий жамғарма ставкалари одатий эмас. Аслида, давлатлар инвестиция эҳтиёжларини молиялаштириш учун хорижий капиталга ҳам эътибор қаратишлари мумкин. Аммо сўнгги бир неча ўн йилликларда капитал оқимлари аралаш расмларни чизмоқда. Бизнинг фикримизча, хорижий жамғармалар иқтисодиётнинг тез ўсиб бориши учун зарур бўлган инвестицияларни шакллантириш учун ички жамғармалар, шу жумладан давлат жамғармаларининг ўрнини босувчи воситадир.<sup>20</sup>

Муваффақиятли ўсиш мисолларининг умумий жиҳати бор — тобора кучайиб бораётган, ишончли ва мажбурий давлат. Бундай тез суръатларда ва узоқ вақт давомида ривожланиш кучли сиёсий раҳбарликни талаб қилади. Сиёсатчилар ўсиш стратегиясини танлаб, ўз мақсадларини жамият мақсадларига мувофиқ белгилашлари ва одамларга келажакдаги имтиёзлар уларнинг саъй-ҳаракатлари, тежамкорлиги ва ҳозирги иқтисодий қийинчиликларини оқлашига ишонтиришлари керак. Агар уларнинг ваъдалари ишончли бўлса, барчага таъсир қилади ва одамларни ўзлари ёки фарзандлари ўсишнинг тўлиқ самарасини олишларига ишонтирсалар, улар муваффақиятли бўлади. Бундай раҳбарлар сабр-тоқатга, узоқ муддатли қарашга ва инклюзив ўсишга кучли эътиборга эга бўлишлари керак. Бир қатор ҳолатларда ривожланаётган иқтисодиётлар узоқ вақт ҳокимиятда

---

<sup>20</sup> <http://www-wds.worldbank.org> Жаҳон банки маълумотлари.

қилиши кутилаётган бир партияли ҳукумат томонидан назорат қилинади. Масалан, рақиб сиёсий партиялар иккитомонлама ўсиш стратегиясини келишиб олишлари мумкин, уларнинг ҳар бири ҳокимият даврида. Ҳеч қандай расмий келишув бўлмаса ҳам, омманинг ишончини қозонган муваффақиятли ўсиш стратегияси уни бошлаган ҳукуматни четлаб ўтиши мумкин.<sup>21</sup>

Тажриба шуни кўрсатадики, узоқ муддатли ўсишга йўналтирилган кучли технократик гуруҳлар баъзи "институционал хотира" ва сиёсатнинг узлуксизлигини ҳам таъминлаши мумкин. Ушбу барқарорлик ва тажриба айниқса, сиёсий нотинч даврда жуда қимматли бўлиши мумкин, чунки янги қарорлар қабул қилишнинг янги тизимлари ишлаб чиқилиб, самарали ишлашига кўп вақт керак бўлади. Ислоҳот, ўсиш каби, бу ҳам ўз-ўзидан мақсад эмас. Иккаласи ҳам мақсадга эришиш учун воситадир. Ислоҳотлар жозибадор бўлиши мумкин ва катта ютуқларга айланиши мумкин, аммо агар иқтисодий ўсиш тезлашмаса ёки кўпчилик бирон бир яхшиланишни сезмаса, кўпроқ ҳаракат талаб этилади. Ресурсларни самарали тақсимлаш учун бозорга ишониш керак, аммо бозор ва ислоҳотлар тўпламининг қандайдир комбинацияси натижаларини аниқлашга имкон бера олмайди.<sup>22</sup>

Ривожланаётган мамлакатларда кўпинча ушбу бозор ва тартибга солиш институтлари бўлмайди. Шундай қилиб, ривожланишнинг муҳим элементи аниқ ушбу институционал имкониятларни шакллантиришдир. Ўсиш уларсиз юз бериши мумкин ва иқтисодиёт ривожланиб бориши билан институтлар пайдо бўлиши мумкин. Бироқ, қандай қилиб улар буни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида биз аниқ билмаймиз. сиёсатчилар ҳар доим улар бўлмаганда бозор қандай ишлашини билишмайди. Шунинг учун, ривожланаётган иқтисодиётда сиёсий ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг таъсирини аниқ тахмин қилиш қийинроқ. Ушбу босқичда бизнинг моделларимиз ёки прогнозлаш воситалари бир неча муҳим жиҳатлар бўйича

---

<sup>21</sup> <http://www-wds.worldbank.org> Жаҳон банки маълумотлари.

<sup>22</sup> <http://www-wds.worldbank.org> Жаҳон банки маълумотлари.

фарқ қилади. Шу сабабларга кўра, ҳукуматлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда эксперимент ўтказиши оқилона. Бу принцип Денг Сяопинг "дарёни кечиб, оёқларинг остидаги тошларни ҳис эт" деб чақирган сўзларида яхши ифодаланган. Баъзида ҳукуматлар потенциал хатарлар манфаатларидан юқори бўлган драматик сиёсий ўзгаришлардан қочиб, аста-секин олдинга силжишларига тўғри келади. Бу ҳар қандай сиёсий назоратдан келиб чиқадиган зарарни чеклайди ва давлат ва иқтисодиётга ўзларини тузатишга имкон беради. Шунга тенг равишда, ҳар бир қадам кейинги босқичга қандай ўтиш кераклигини билиш учун озгина синов ёки тажриба бўлиши керак.<sup>23</sup>

Сиёсат тузиш фақат курашнинг бир қисми. Сиёсий чоралар ҳануз аниқ аниқ амалга оширилиб, кўпроқ ёки камроқ қониқарли бошқарувга эга бўлиши керак. Самарали давлат аппарати бир кечада қурмайди ва доимий эътиборни талаб қилади. Виждонли хизмат қилиш маданияти сақланиб қолиши ва ривожлантирилиши керак. Маъмурлар, шунингдек, давлат сектори ишини сезиларли даражада яхшилаётган оладиган мансабдор шахсларга кўпроқ маош, мартаба кўтариш ва тан олинисини таклиф қилиб, истеъдодли одамларни жалб қилиши ва ушлаб туриши керак.<sup>24</sup>

Ҳеч бир давлат инфратузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига давлат томонидан инвестицияларни жалб қилиш суръатларини сақламасдан туриб, жадал ўсишни сақлаб тура олмайди. Бундай ажратмалар хусусий инвестицияларни жалб этмайди — уларни хориждан жалб қилади. Улар янги ишлаб чиқаришларни яратишга ва соғлом ва ўқимишли ишчиларга, оддий йўлларга ва ишончли электр энергиясига эга бўлган ҳар қандай хусусий корхонанинг қийматини оширишга йўл очмоқда.

Афсуски, биз инфратузилма харажатлари кўпинча эътиборсиз қолдирилишини аниқладик. Улар кўпинча ҳисобланмайди. Шунингдек, биз кўплаб мамлакатларда таълим кўрсаткичлари (мактабда ўқиш йиллари, ўқувчиларни қамраб олиш даражаси) ёзиш, ҳисоблаш ва бошқа билим

---

<sup>23</sup> <http://www-wds.worldbank.org> Жаҳон банки маълумотлари.

<sup>24</sup> <http://www-wds.worldbank.org> Жаҳон банки маълумотлари.



кўникмаларидаги ҳақиқий натижаларга қараганда таъсирчан эканлигини аниқладик. Ушбу натижалар ўсишда акс этади. Саломатлик ўсишга қандай таъсир қилишидан қатъий назар, одамлар учун катта аҳамиятга эга. Аммо очлик, тўйиб овқатланмаслик ва касалликнинг иқтисодий оқибатларини унутмаслик керак. Фақат битта мисол келтирмоқчимиз: агар чақалоқлар бачадонда ёки гўдакда етарлича овқатланмаган бўлса, уларнинг когнитив ривожланиши (ўрганиш қобилияти) доимий равишда орқада қолиши мумкин. Бу уларнинг самарадорлигини ва таълимдан фойда олиш қобилиятини пасайтиради. Бундан ташқари, бу жуда адолатсиз. Шу сабабли, кам таъминланган оилаларнинг етарли овқатланишини қийинлаштирадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон нархларининг тез суръатлар билан ўсиши узок муддатли ўсишнинг асосий таҳдидидир.<sup>25</sup>

Сиёсатчилар саноат, фирма ёки иш жойларини ҳимоя қилиш чақириқларига қарши туришлари керак, аммо одамларни ҳимоя қилиш учун кўлларида келганини қилишлари керак. Эҳтимол, ҳукумат бундай ҳимоя қилишнинг энг яхши шакли — бу янги кўникмаларни эгаллашни осонлаштирадиган ўқитиш ва иш ўринларини кўпайтиришни фаоллаштириш. Бундан ташқари, давлатлар вақтинча ишсиз бўлганларнинг даромадларини таъминлайдиган ва асосий ижтимоий хизматлардан фойдаланишни давом эттиришни таъминлайдиган ижтимоий хавфсизлик тармоқларини ҳам ишлаб чиқиши керак. Бундай сиёсатлар ҳам ахлоқий, ҳам амалийдир. Уларсиз, ўсиш стратегиясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тезда камаяди.

Демак, иқтисодий ўсишнинг дастлабки босқичларида кўпинча атроф-муҳитга кам эътибор берилади, бу эса ҳавонинг турли моддалар билан ифлосланишига ва оқаётган сувнинг ифлосланишига олиб келди. Биз буни хато деб ҳисоблаймиз ва келажакда бу давом этса жуда қимматга тушади. Таҳлил натижаларига кўра ўсиш стратегиялари бой мамлакатларда экологик жиҳатдан энг қатъий стандартларга жавоб бермаса ҳам, ифлосланиш

---

<sup>25</sup> <http://www-wds.worldbank.org> Жаҳон банки маълумотлари.

нархини, унинг оyiбaъларини ҳисобга олиши керак. БМТнинг Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадларини инобатга олиш зарур.

## **1.2. § ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ**

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш барча мамлакатлар учун доимо долзарб муаммо ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида таъкидланганидек, «қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш»<sup>26</sup> жамият олдида турган муҳим вазифадир. Бунда иқтисодий ўсишнинг фақат миқдорий (инклюзив) жиҳатларига эмас, унинг сифат (интенсив) жиҳатлари, яъни барқарор ўсиш сифатини ошириш ҳам муҳимдир.

Интенсив иқтисодий ўсиш омиллари деб ишлаб чиқаришнинг унумдорлиги, тежамкорлиги, сифатига таъсир этувчи барча унумдорлик омилларга айтилади<sup>27</sup>.

Интенсив иқтисодий ўсишни аниқлашнинг умумий индекси сифатида Ялпи омиллар унумдорлиги (Total Factor Productivity) кўрсаткичини келтиришимиз мумкин.

Ялпи омиллар унумдорлиги (Total Factor Productivity) - иқтисодий тушунча бўлиб, меҳнат ва капитал харажатларидан ташқари, ишлаб чиқаришга таъсир этувчи унумдорлик омиллар мажмуасини англатади.

Меҳнат унумдорлиги корхонанинг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, меҳнат харажатлари самарадорлигини ифодалайди.<sup>28</sup>

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

**Мамлакатлардаги Углероднинг интенсивлиги<sup>74</sup> (CO<sub>2</sub> чиқиндиларининг кг / харид қобилияти паритети асосида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот)**

	<b>Мамлакат</b>	<b>Углероднинг интенсивлиги</b>
1.	Буюк Британия	0.3
2.	Германия	0,4
3.	Канада	0,6
4.	Норвегия	0,3
5.	Франция	0,2
6.	АҚШ	0,6
7.	Финляндия	0,5
8.	Швеция	0,2
9.	Япония	0,4
10.	Эвропа Иттифоқи	0.3
11.	Россия	1.2
12	Ўзбекистон	19

Таҳлил натижасида шу маълум бўлдики (2.2- жадвал, 2.1-формула) Ўзбекистонда углерод интенсивлиги жуда юқори бўлиб 19.26 ни ташкил

<sup>72</sup> European Environment Agency: Green economy [Electronic resource]. — URL: <http://www.eea.europa.eu/themes/economy/intro> (accessed: 12.03.2017).

<sup>73</sup> Сергей Бобылев. \$140 млрд. на борьбу с потеплением — вещь, в которой надо поучаствовать <http://орес.ru>

<sup>74</sup> Жадвал Жаҳон банкининг маълумотлари асосида тайёрланди, Ўзбекистон учун кўрсаткич муаллиф ҳисоб-китоблари натижасида аниқланди.

этади, бў курсаткич ривожланган далаатларда ўртача 0.5 га тенг. Бу Ўзбекистонда атмосферани ифлослантириш ҳисобига иқтисодиётни ташкил этиш кўрсаткичи юқорилигини билдиради. Бу хорижий олимлар манбааларида “Кулранг иқтисодиёт” деб юритилади.

2.1- формула.

### Ўзбекистонда углерод интенсивлигини аниқлаш<sup>75</sup>

$$УИ= ИМ/М = 853500\text{кг}/443,2/100= 19,26$$

**УИ** – Мамлакатлардаги Углероднинг интенсивлиги,

**ИМ** - Атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар

**М** - харид қобилияти паритети асосида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот.

Европа Иттифоқи 2022 йилга келиб CO<sub>2</sub> чиқиндиларини 20 фоизга камайтириш, энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини улушини 20 фоизга етказишни режалаштирмоқда. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати иссиқхона газлари чиқиндиларини 2050 йилга келиб 50 фоизга ва 2080 йилга келиб 80 фоизга камайтириш ниятида<sup>76</sup>.

Ифлосланган ҳаво ҳар йили тахминан 7 миллион одамнинг ўлимига сабаб бўлмоқда ва астма каби узоқ муддатли соғлиқ муаммоларини келтириб чиқарадиган кассаликларга ва болаларнинг ақлий ривожланишини камайтиради. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳаво ифлосланиши ҳар йили жамиятга 5 триллион доллардан зарар келтирмоқда<sup>77</sup>.

Мисол учун, шамол тезлиги 4 м/с дан ортганда ҳаводаги чанг миқдори ўрмонларда 5-20 мкг/м<sup>3</sup>, даштларда 20-100 мкг/м<sup>3</sup>, Ўрта Осиёнинг қуруқ сахро ва чўлларида 100-150 мкг/м<sup>3</sup> га етади. 6 йил давомида ишлатилган ўртача автомобиль атмосферага 9 т CO<sub>2</sub>, 0,9 т CO, 0,25 т NO<sub>x</sub> и 80 кг углеводород чиқаради. 2010 йилдан 2018 йилгача атмосфера ҳавосига

<sup>75</sup> Ўзбекистонда углерод интенсивлигини аниқлашда Давлат Статистика қўмитасининг 2017 йил учун берилган маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

<sup>76</sup>Ю. Литвинова,2010/ От потепления — к технологиям/ <https://iq.hse.ru/news/177674414.html>

<sup>77</sup>Жаҳон банки маълумотлари <https://data.worldbank.org/>

чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори қарийб 1,3 баробарга ортган ва 2018 йили 2,442 млн. тоннани ташкил этган. Бундан 65 % ёки 1 млн. 560 минг тоннаси автотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Йирик шаҳарларда, мисол учун Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич 80%ни ташкил этади.<sup>78</sup>

Атмосфера ифлослантирувчи моддаларнинг кўпи ҳавони исиб кетишга олиб келади. Қора углерод бунинг мисолидир. Дизель двигателлар, чиқиндилар ва бошқа ифлосли ҳаволар нафас олаётганда жуда зарарли ҳисобланади. Бундай ифлослантирувчи моддаларни қисқартириш нафақат саломатликни яхшилайдди, балки кейинги бир неча ўн йилликлар давомида глобал даражадаги иссиқлик даражасини 0,5 даражагача қисқартириши мумкин.

Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саяёҳаракатлари билан, Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари доирасида 15 йил олдин дунё тегишли кўрсаткичларни ихтиро қилди. Макроиктисодий томондан - атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий захираларнинг камайишини Жаҳон Банки (ЖБ) “Тузатилган аниқ жамғарма” кўрсаткичи орқали ифодалайди (2.3жадвалга қаранг). Энг катта камчилик - бу табиий капиталнинг камайиши. Жаҳон банки, табиий капитални таназзулга юз тутган ва инсон ва жисмоний капиталга инвестицияларни қопламайдиган мамлакат беқарор ривожланмоқда, деб ҳисоблайди. Афсуски Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич ҳеч бир манбаларда келтирилмаган, жумладан давлат статистика қўмитаси эълон қилган маълумотларда ҳам.

Ушбу кўрсаткич қанча кам бўлса, ўша мамлакатда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий захираларнинг шунча камлигини билдиради.

Мамлакатимизда 2015 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Паст углеродли ривожланиш стратегияси»<sup>79</sup> қабул қилинган. Унга мувофиқ 2030

---

<sup>78</sup> Б.Алиханов, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Атмосфера ҳавоси мусаффолигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар/ 11.10.2019/ <http://ekolog.uz/?p=1400>

<sup>79</sup> Газета.uz, 2015/ТЭМ ҳисобига энергия тизими қуввати 30 фоизгача ошиши мумкин/



мамлакат энергетика балансидаги ТЭМ (сув, қуёш ва шамол энергетикаси) улушини 10 фоиздан 20 фоизга, кўмирникини 5 фоиздан 15 фоизга ошириш, газдан электр қуввати олиш улушини эса 85 фоиздан 65 фоизга тушириш кўзда тутилмоқда. Хуш, БМТ бош қотиби бутун давлатларни янги кўмир заводларини қурилишини тўхтатишга чорлаётган бир даврда нега биз кўмир ишлаб чиқаришни оширишни мақсад қилияпмиз?!

### 2.3- жадвал.

#### ЖБ “Тузатилган аниқ жамғарма” кўрсаткичлари (WB net adjusted savings)<sup>80</sup>

Мамлакат	Тузатилган аниқ тўпланган маблағлар (% да)	Мамлакат	Тузатилган аниқ тўпланган маблағлар (% да)
Япония	15,8	Россия	13,8
Германия	12.1	Чехия	14,7
Франция	11.4	Польша	7,8
Буюк Британия	6,9	Украина	4.1
Канада	5.4	Хитой	36.1
АҚШ	4.1	Ҳиндистон	20.6

Иқлим муаммолари билан боғлиқ давлатлар янги инновацион диверсификацияланган, Модернизация қилинган моделни яратмоқдалар. Ва 20-30 йил ичида бизнинг газимиз ва нефтимиз кимга керак?! Ўзбекистон энди хом ашё тузоғига тушиб қолмадими: мамлакат иқтисодиётининг таркибида энергетика ва металлургия тармоқлари етакчи соҳалар қаторига киради. Бу мулойимлик билан юқори углеродли иқтисодиёт деб аталади.

<https://www.gazeta.uz/uz/2015/10/16/tem/>

<sup>80</sup> www.data.worldbank.com сайтидаги ЖБ маълумотлар асосида эксперт усули орқали аниқланди.

Ижтимоий муаммолар, масалан, даромад етишмовчилиги, кашшоқликнинг юқори даражаси ва катта углерод капитали бўлган мамлакатлар учун ЯИМ, бу деградацияни яширадиган мутлақо виртуал нарсаларни намоёйиш этади. Бир неча ой олдин Германиялик тадқиқотчилар *Стиглицтз* ва *Сеине* томонидан иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётни ўлчаш тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинди. ЯИМ атроф-муҳитнинг ўзгариши ёки барқарорликни ҳисобга олмайди. Ялпи ички маҳсулотга бўлган эътибор қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради: улар сиёсий раҳбарлардан максимал даражада ўсишни талаб қилмоқдалар ва фуқаролар хавфсизликни талаб қилмоқдалар, сув ва ҳавонинг ифлосланишини камайтирадилар, шовқинни камайтирадилар ва бу ЯИМнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу учун, ЯИМ жуда кўп давлатлар каторида Ўзбекистон учун ҳам зарарли кўрсаткичдир.

Киото протоколи<sup>81</sup> инсониятнинг ажойиб назарий ихтироси: давлатлар тўпланиб, ҳаво билан савдо қилишларига келишдилар. Мутлақо сунъий бозор: унинг остида нархлар тизими, биржа, иқлим солиқлари жорий этилган; Европада ортиқча иссиқхона газлари учун ажойиб солиқ жорий этилди. Инсоният бутунлай янги иқтисодий воқеликни яратади. Бир томондан, бу мутлақо спекулятив иқтисодиётдир. Бошқа томондан, бу замонавий анъанавий бозор иқтисодиётининг, умуман олганда, атроф-муҳитга қарши таъсир кўрсатадиган озгина натижаларидан бири бўлиши мумкин. Ва агар биз уни баъзи экологик бозорлар, институционал, ижтимоий таркибий қисмлар билан қуришни тугатмасак ва анъанавий бозор иқтисодиётимизни модернизация қилмасак, бу яхши нарсаларга олиб келмайди.

Хитой ва Ҳиндистон аллақачон бир хил углерод зичлиги билан боғлиқ бўлган энергия зичлигини камайтириш ҳақида гаплашмоқдалар - ва буни бизда ҳам ўйлаш керак.

---

<sup>81</sup> КИОТСКИЙ ПРОТОКОЛ К РАМОЧНОЙ КОНВЕНЦИИ ОРГАНИЗАЦИИ ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ ОБ ИЗМЕНЕНИИ КЛИМАТА — Официальный текст на русском языке, ООН, 1998

Агар биз иқлим омилини, экологияни иқтисодиётга назария ва амалиётга киритишга ҳаракат қилсак, унда сўнгги 3-4 йил ичида глобал миқёсда муҳокама қилинган экотизим хизматлари муаммосига эътибор қаратиш лозим. Уларнинг қарийб 30таси бор - бутун дунё уларни баҳолашга, пул ишлашга, иқтисодий қарорларни қабул қилиш жараёнига қўшишга ҳаракат қилмоқда. Ва бунинг учун биз бир қатор муаммоларни тан олишимиз керак.

Биринчиси: иқтисодий назарияга кўра, математик баҳоланмаган нарса мавжуд эмас. Шундай қилиб, биз баҳолаш усулларига муҳтожмиз.

Иккинчиси: ташқи омиллар. Ҳақиқий глобал ташқи муаммолар учун ким жавобгар бўлиши керак - масалан, Тожикистонни сув босиш хавфи? Ва бу эффектларни қандай маҳаллийлаштириш керак?

Учинчи – иқлим лойиҳаларига, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга имтиёзлар зарурати. Ҳар қандай иқтисодчи, агар улар 8-10 йил ичида қайтмаса лойиҳага сармоя киритмайди. Мамлакатимизда бу 2-3 йилга тўғри келади. Иқлим лойиҳалари ўнлаб йилларга мўлжалланган. Бунга хусусий сектор инвестиция киритадими? Демак, давлатнинг кўмаги зарур.

Биз Ўзбекистоннинг серкўёшлиги, табиий озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашга жуда мос келувчи иқлим мавжудлигини бутун денёга жар солиб, хорижий инвесторлар ва хорижий лойиҳаларни жалб қилишимиз зурур. Уларга имтиёзлар ишлаб чиқиб, солиқлардан озод этиш бўйича давлат ишонч қоғозларини тақдим этиш зурур. Шунинг учун барча мамлакатлар бизга келишлари, бизга катта сармоялар киритишлари, квоталарни сотиб олишлари, мевали дарахтларни экишлари, бизга янги технологиялар беришлари керак ва бу фақатгина Ўзбекистонга наф келтирмай дунёни қутқаради. Зеро БМТ маълумотларига қараганда ҳозирги кунда дунёдаги табиий озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг ўртача 60 фоиз аҳолисига етади холос. Қолган 40% талаб сунъий ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан қопланади. Шундан фойдаланиб бизда

Ўзбекистонда нафақат ўз аҳолимизни балки бошқа давлатлар аҳолиси эҳтиёжларини ҳам табиий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини яратиш учун мос иқлим мавжуд.

Ҳавонинг ифлосланишини олдини олиш икки томонлама имконият тақдим этади, чунки кўмир ёқадиган электр станцияларини камайтириш ва камроқ ифлословчи саноат, транспорт ва маҳаллий ёқилғиларни тарғиб қилиш ҳавони тозалаш ва иссиқхона газларини камайтириш, газ ўрнига кўмирга ўтиш эмас, қайта тикланувчи энергия манбалари, айниқса қуёш энергиясидан фойдаланишни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради.

Глобаллашув ва интеграциялашув шароитида халқаро кўрсаткичларга, хусусан яшил иқтисодиётни намоён этувчи кўрсаткичлар ҳисобини Давлат статистика қўмитасида маълумотлар базасига киритиш зарур.

Тадқиқотда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг жорий ҳолати ва прогноз кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Шунингдек, сув хўжалигида тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг жорий кўрсаткичлари назарий ва амалий маълумотлар асосида таҳлил этилиб муҳим йўналишлар аниқланган. Соҳа ривожини усун илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Австро-америкалик машҳур иқтисодчи Йозеф Шумпетернинг таҳлилларига кўра фойда фақатгина инновация устунлигида олиниши мумкин ва инновация одатга айланган заҳоти фойда бизни тарқ этади. 20 аср бошларида айтилган бу сўзларда бозор иқтисодиётининг ривожини учун инновациянинг аҳамияти энг юқори эканлигини билиб олиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини мақсадли сув билан таъминлаш, унда тежамкор инновацион технологиялардан фойдаланиш бу қишлоқ хўжалигини асосий йўналишларидандир.

Жаҳон миқёсида кузатилаётган глобал иссиқ денгизга чиқишга камида 2 та мамлакат билан туташ бўлган Ўзбекистонда унинг таъсири

кескин сезилмоқда. Биргина Орол денгизи муаммоси бунга мисол бўлиши мумкин.

Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Давлат раҳбарининг таъкидлашича Ўзбекистонда сўнгги 10 йил ичида сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.<sup>82</sup> Бу ўз навбатида сув ресурслари захираси ҳамда аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлаш муаммоси долзарблигини билдиради.

Сув хўжалиги вакиллариининг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сув танқислиги 3 млрд куб метрни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд куб метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд куб метрни ташкил қилиши мумкин<sup>83</sup>.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда Эгатлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.<sup>84</sup> Бундан ташқари сувнинг чуқур сингишини бартараф қилиш, сизот сувлари сатҳини кўтарилишини олдини олиш ва шўрланишни камайтириш муаммоси мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда интенсив омиллар эмас экстенсив омиллар устунлик қилмоқда<sup>85</sup>, яъни маҳсулот ҳажмини кўпайтиришда экин майдонларини кўпайтириш ҳисобига эмас, уларнинг генетик навларини такомиллаштириш, маҳсулот унумдорлигини ошириш

---

<sup>82</sup> Ш.Мирзиёев. Сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши. 16.09.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/3839>

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони

<sup>85</sup> Хамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлили. Худудларни ривожлантиришни стратегик режалаштириш: халқаро тажриба, услублар ва истиқболлар илмий мақолалар тўплами. Тошкент-2019.

ҳисобига интенсификациялаш зарур. Инновация бу интенсив ўсишни асосий омилларидан бири ҳисобланади.

2019 йилда республикада суғориладиган ер майдонларнинг умумий ҳажми 4,3 млн гектарни ташкил этиб, жами сув ресурсларининг ўртача 90-91 фоизи қишлоқ хўжалигида, 4,5 фоизи коммунал-маиший хўжалик соҳасида, 1,4 фоизи саноатда, 1,2 фоизи балиқчиликда, 0,5 фоизи иссиқлик энергетикасида, 1 фоизи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдаланилган.

Пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилинапти. Эгатлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.<sup>86</sup>

Ўзбекистонда 2020 йил сентябрь ойига келиб 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган.

Ўзбекистонда сув тақчиллигини янада кескинлаштиришини, 2000, 2008, 2011, 2014 ва 2018 йиллардаги каби қурғоқчиликнинг давомийлиги ва даврийлиги кўпайишига олиб келишини ҳамда иқтисодиётнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Кейинги 15 йил ичида аҳоли жон бошига сув таъминоти 3 048 куб метрдан 1 589 куб метрга қисқарди.

Шу билан биргаликда, республикада аҳоли сони йилига ўртача 650 — 700 минг нафарга ошиб, 2030 йилга бориб 39 млн нафарга етиши, уларнинг

---

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони

сифатли сувга бўлган талаби 2,3 млрд куб метрдан 2,7 — 3,0 млрд куб метрга (18 — 20 фоиз) етиши кутилмоқда. Бу эса коммунал соҳани йилдан йилга сувга бўлган талабини ортишига олиб келади.

Сўнгги йилларда саноат ва энергетика соҳалари фаол ривожланиб, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра бу соҳаларнинг йиллик умумий сув истеъмоли 1,9 млрд куб метрдан 2030 йилга бориб 3,5 млрд куб метрга (1,8 баробар) етади.

Соҳадаги яна бир инновация – кластерлар 3 минг гектардан зиёд экин майдонини лазер ёрдамида текислаш орқали сув сарфини 20-25 фоиз, ўғитни 15 фоиз тежашга, ҳосилдорликни камида 10 фоизга<sup>87</sup> ошириш мумкин.

2020 йилдан қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув солиғи бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилди<sup>88</sup>.

Сув исрофига сабаб бўлаётган муаммолардан яна бири шуки, бугунги кунда 3 мингдан зиёд сув ўлчаш постларининг атиги 2 фоизи, 400 та йирик сув объектининг 2,5 фоизида бошқариш тизими автоматлашган<sup>89</sup>, холос.

Бу муаммоларни бартараф қилиш учун сув тежовчи суғориш усулларига ўтиш зарур. Жумладан, гидропиника усулида маҳсулот етиштириш 97%гача, томчилатиб суғориш 90%гача, дискрет усулда суғориш 35 %гача, эгат оралатиб суғориш 30%гача сувнинг тежалишига олиб келади.

Мисол учун, Жиззах вилоятида 2018 йили 495 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилгани натижасида 1 миллион 247 минг метр куб сувни иқтисод қилишга эришилди. Бундан ташқари, 2018 йил 5 минг гектар майдонда эгилувчан қувур орқали суғориш тизими қўлланилди. Бу усулни қўллаш натижасида эса 6 миллион 800 минг метр куб сув тежалди<sup>90</sup>.

---

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида. <http://www.water.gov.uz/uz>

<sup>88</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида. <https://soliq.uz/>

<sup>89</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида. <https://soliq.uz/>

<sup>90</sup> Тошқул Бекназаров. Жиззах вилояти ҳокимлиги. Жиззах-2019. <http://jizzax.uz/1670-tomchilatib-suorish-suvni-tezhashning-samarali-usuli.html>

Булар албатта, инновация натижаси бўлиб сув тежашга ва маҳсулот унумдорлигини оширишга олиб келади. Бу усулларни қўллашда дуч келинаётган асосий муаммо шундаги томчилаб суғориш тизимини ва бошқа инновацион технологияларни қишлоқ хўжалигида татбиқ қилиш маблағ ва инвестицияларни талаб этади. Аммо ер ва маҳсулот унумдорлигининг ошириши натижасида ўртача 3-5 йилда ҳаражатларни қоплайди.

Бундан ташқари, юртимизда сувнинг катта захирасини юзага келишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида сув омборларининг тўлишига, соҳил бўйи туристик зоналар яратишга имкон яратади ва юртимизга туризм натижасида катта маблағлар олиб келиши мумкин ва ҳатто Орол денгизи муаммосини ҳам ҳал қилиши имкониятини юзага келтиради.

Дунё олимларининг фикрича, томчилаб суғориш ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштириш учун янги кашфиёт бўлиб, инновацион технологиянинг сеҳрли кучини талқин қилиш ва глобал сув ва озиқ-овқат инқирозини ҳал қилиш учун уни янада қуруқ минтақаларга тарқатиш учун муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади<sup>91</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, биз Ўзбекистоннинг серқуёшлиги, табиий озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашга жуда мос келувчи иқлим мавжудлигини бутун денёга жар солиб, хорижий инвесторлар ва хорижий лойиҳаларни жалб қилишимиз зурур. Уларга имтиёзлар ишлаб чиқиб, солиқлардан озод этиш бўйича давлат ишонч қоғозлари(гарантия)ни тақдим этиш зурур. Шунинг учун хорижий инвесторлар келишлари, бизга катта сармоялар киритишлари, квоталарни сотиб олишлари, мевали дарахтларни экишлари, бизга янги технологиялар беришлари керак ва бу фақатгина Ўзбекистонга наф келтирмай дунёга катта фойда келтиради<sup>92</sup>.

---

<sup>91</sup> Yahui Wang, Sien Li, Shujing Qin, Hui Guo, Danni Yang, Hon-Ming Lam. How can drip irrigation save water and reduce evapotranspiration compared to border irrigation in arid regions in northwest China. *Agricultural Water Management*. 1 september 2020. <https://doi.org/10.1016/j.agwat.2020.106256>

<sup>92</sup> Хамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтишнинг муаммолари ва истиқболлари. Иқтисодиёт ва таълим журнали. 1-сон. Тошкент-2020.



## 2.2.8 БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ҲОЛАТИ, ИНДЕКСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида илмий жамоатчилик ва давлат органлари олдида устувор йўналишдаги инновацион ривожланишнинг келажакдаги моделларини шакллантиришга имкон берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш вазифаси<sup>93</sup> қўйилди.

Инклюзив ўсишнинг моҳияти бандлик имкониятларини кенгайтиришга ва ишлаб чиқариш ва даромад келтирадиган ишларда ишчи кучи иштирокини кенгайтиришга кенг ҳисса қўшишдан иборат<sup>94</sup>.

Интенсив ўсиш деб, ишчи кучи ҳажмини кўпайтирмаган ҳолда меҳнат ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш эвазига, иқтисодий ўсишга эришга айтилади<sup>95</sup>.

Маълумки, инновация интенсив иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан биридир. Энг ривожланган давлатларда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг аҳоли жон бошидаги улуши бежизга юқори эмас. Жумладан, Швецарияда аҳоли жон бошига ЯИМ 63,9 минг, АҚШ — 57,6 минг, Сингапур — 87,8 минг, Голландия — 50,5 минг, Ирландия — 71,5 минг АҚШ долларини ташкил этади (2.4- жадвалга қаранг).

Ўзбекистоннинг глобал инновацион кўрсаткичи 100 балли шкала бўйича 29,1 баллни ташкил этади (2.4- жадвалга қаранг) ва Республика WEF(World Economic Forum) мамлакатлари глобал рақобатбардошлик индексига кўра 80-90-ўринлар орасида жойлашган. Бу ҳолда етакчи мамлакатлар учун ушбу

---

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони

<sup>94</sup> 2019 yilgi SPECA Iqtisodiy forumi uchun asosiy ma'lumot, xalqaro ekspert va UNECE maslahatchisi janob Rumén Dobrinski tomonidan tayyorlangan. Hujjatda bildirilgan fikrlar muallifning fikri bo'lib, ular UNECE qarashlarini aks ettirmasligi shart.

<sup>95</sup> Хамдамов Ш.Р. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари ва унинг стратегик йўналишлари. Аналитик ишланма. – Т.: 2020. – Б.21

кўрсаткичнинг ўртача балидаги фарқ (57,8) деярли 2 бараварни ташкил қилади<sup>96</sup>.

Инновацион ривожланишнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича кўрсаткичларлар янада муҳимроқ: халқаро илмий журналлардаги мақолалар сонига (миллион аҳолига) деярли 400 баробар, юқори технологияли маҳсулотлар экспортида (экспорт таркибида) — Ўзбекистон 4,5 баравар ортда қолмоқда.

## 2.4-жадвал.

### Интенсив иқтисодий ўсиш бўйича етакчи мамлакатлар(2020)<sup>97</sup>

Мамлакатлар	Ривожланиш кўрсаткичлари		Инновацион ривожланиш кўрсаткичлари		
	Аҳоли жон бошига ЯИМ(ми нг АҚШ долларид а)	Аҳоли жон бошига ЯИМ ППП асосида (минг АҚШ долларид а)	Глобал инновацион индекс	Юқори технологияли маҳсулотлар экспорти (саноат маҳсулотлари экспортига нисбати %да)	Халқаро журналларда мақолалар(хар миллион аҳолига)
Швейцария	79,9	63,9	66,3	27,1	2534,4
АҚШ	57,6	57,6	61,4	20	1265,7
Сингапур	53,0	87,8	59,2	67,4	2007,0
Ирландия	64,2	71,5	59,0	29,8	1431,8
Нидерландия	45,6	50,5	58,3	-	1759,8
Ўрта кўрсаткич (мамлакатлар бўйича)	50,8	53,8	57,8	21,4	4455,7
<b>Ўзбекистон</b>	<b>2,1</b>	<b>6,5</b>	<b>29,1</b>	<b>4,7</b>	<b>11,2</b>
Ўрта кўрсаткичга Ўзбекистоннинг нисбати (мартага)	24,1	8,3	2,0	4,5	397,5

<sup>96</sup> Ш.Хамдамов. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари ва унинг стратегик йўналишлари. Аналитик ишланма. – Т.: 2020.

<sup>97</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Патент фаолияти кўрсаткичлари, инновацион кичик корхоналар сони, иқтисодий тармоқларида инновацион маҳсулотларнинг улуши, бозорда инновацион маҳсулотлар ва бошқа инновацион фаолият кўрсаткичлари учун худди шундай кўриниш пайдо бўлади.

Республикамизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан бири профессор С.Чепелнинг тадқиқотларига кўра<sup>98</sup>, мамлакатда пахтачилик, қуёш металлургияси (қуёш физикаси), ўсимликларни кўпайтириш, биология, кимё, математика, геология ва бошқа қатор соҳаларда маълум илмий ва технологик асослар мавжуд. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инновацияларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва макроиқтисодий зарур шарт-шароитларни яратиш масаласининг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистонда Тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг (R&D) ЯИМдаги улуши 0.2%ни яъни бошқа мамлакатларга қараганда ўртача 11.8 бараварга кам эканлигини кўрсатмоқда(2.5-жадвалга қаранг). Албатта бу тадқиқотлар ва уларнинг амалиётга жорий қилинишига маблағлар сарфини оширишни билдиради.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш самарадорлигининг ортиб бориши, барқарор ўсиш давомийлигини таъминлаш билан бирга, унинг сифатини ҳам таъминламоқда.

Илмий-услубий тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий ўсиш сифати ижтимоий барқарорлик билан бирга, экологик барқарорликни таъминловчи омиллар самарадорлигини ҳам ўз ичига олади ва улар барқарор ўсиш сифати ошишига мультипликатив таъсир қилади. Ўсиш сифатининг кўп омилли эканлигини инобатга олиб, ушбу омилларнинг соҳа ва тармоқлар кесимида натижавий жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш лозим.

---

<sup>98</sup> С. Чепел "Иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделига ўтиш учун шароитларни таъминлашда институционал омилнинг роли". "Модернизация стратегияси ва узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш" Ўзбекистон иқтисодчиларининг ИИИ форуми нашрлари тўплами. ИПМИ, ГИЗ, БМТТД, Тошкент, 2017 йил.


**Жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг Ўзбекистон ва  
ривожланган давлатлардаги ҳолати (2010-2020)<sup>99</sup>**

Мамлакатлар	Тадқиқот ва ривожланган харajatларнинг (R&D) ЯИМдаги улуши	Инсон тараққиёти индекси (HDI 1=the most developed)	Энергосамарадорлик (Энергия истъмоли бирлиги учун ЯИМ; АҚШ доллори)	Давлатнинг самарадорлиги (0 дан +5 гача)	Инклюзи в ўсиш индекси	Амалдаги қонунларга амал қилиш индекси RoL (0 дан +5гача)	Коррупциян и назорат қилиш индекси (0-100, 100 — коррупциянинг йўқлиги)
Швейцария	2,96	0,939		4,5	5,75	4,44	86
Швеция	3,3	0,913	8,89	4,3	5,3	4,54	88
Буюк Британия	1,7	0,909	1,78	4,1	4,69	4,13	81
АҚШ	2,8	0,92	7,46	4	4,44	4,17	74
Финляндия	2,9	0,895	6,28	4,4	5,04	4,52	89
Сингапур	2,2	0,925	15,7	4,7	-	4,33	84
Ирландия	1,51	0,923	17,8	3,9	5,01	4,04	73
Дания	3	0,925	15,7	4,4	5,31	4,4	90
Нидерландия	2	0,924	2,56	4,3	5,28	4,39	83
Германия	2,9	0,926	11,53	4,2	4,99	4,11	81
Жанубий Корея	4,2	0,901	6,32	3,6	4,95	3,64	53
Люксембург	1,3	0,898	13,65	4,2	5,86	4,21	81
Исландия	2,2	0,921	2,31	3,9	5,48	4,01	78
Гонконг	0,8	0,917	26,8	4,4	-	4,2	77
Канада	1,6	0,92	5,45	4,3	4,9	4,34	82
Япония	3,3	0,903	10,75	4,3	4,36	3,88	72
Янги Зеландия	1,2	0,915	7,56	4,4	5,09	4,43	90
Франция	2,2	0,897	10,26	3,9	4,83	3,91	69
Австралия	2,2	0,939	8,13	4,1	5,18	4,25	79
Австрия	3,1	0,893	11,77	4	5,05	4,28	75
<b>Мамлакатлар бўйича ўртача</b>	<b>2,4</b>	<b>0,915</b>	<b>11,47</b>	<b>4,2</b>	<b>5,1</b>	<b>4,21</b>	<b>79,3</b>
<b>Ўзбекистон</b>	<b>0,2</b>	<b>0,701</b>	<b>3,57</b>	<b>1,9</b>	<b>3,93</b>	<b>1,37</b>	<b>21</b>
<b>Мамлакатлар бўйича ўртача ва Ўзбекистон нисбати (мартага)</b>	<b>11,8</b>	<b>1,305</b>	<b>3,21</b>	<b>2,2</b>	<b>1,29</b>	<b>3,07</b>	<b>3,8</b>

<sup>99</sup>Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш шартлари ва омиллари кўрсаткичларини жаҳон мезонлари билан таққослаш (2.5 жадвалга қаранг) қуйидагича хулоса қилишга имкон беради: инновацион иқтисодиётга ўтишга халақит берадиган асосий омиллари - бу институтларнинг ривожланмаганлиги ва республикада илм-фан ва янги технологияларни этарли даражада молиялаштирмаслик<sup>100</sup>.

Жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг Ўзбекистон ва ривожланган давлатлардаги ҳолатини, хусусан, тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улуши, давлатнинг самарадорлиги, инклюзив ўсишнинг умумий индекси ва амалдаги қонунларга амал қилиш индекси (бошқа адабиётларда қонун устуворлиги индекси деб ҳам юритилади) кўрсаткичларини қуйидаги расмда солиштириш мумкин (2.1-расмга қаранг).



**2.1-расм. Жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг Ўзбекистон ва ривожланган давлатлардаги ҳолати<sup>101</sup>**

<sup>100</sup> Қўшимча маълумот учун Ҳамдамов Ш.Р мақоласига қаранг. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлили, Худудларни ривожлантиришни стратегик режалаштириш: Халқаро тажриба, услублар ва истикболлар илмий мақолалар тўплами, Тошкент-2019

<sup>101</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари ва Survey усули орқали муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.1-расмдан маълумки тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улуши Швеция, Жанубий Корея ва Австрияда 3%дан кўпроқни ташкил этиб бошқа давлатларга нисбатан устунлик қилаётган бўлса, Швейцария, АҚШ, Финландия, Сингапур, Нидерландия, Германия, Исландия, Франция ва Австралияда 2-3% оралиғида жойлашган бўлиб бу мамлакатлар бўйича ўртача кўрсаткич (2.4%) ни ташкил этади. Буюк Британия, Ирландия, Люксембург ва Янги Зеландияда адқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улуши кўрсаткичи мамлакатлар бўйича ўртача кўрсаткичдан паст натижани яъни 1-2% ташкил этмоқда. 1%дан кам натижани Гонконг (0.8%) ва энг салбий натижани афсуски мамлакатимиз Ўзбекистон (0.2%) қайд этган.

Тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улушини ошириш ҳар бир мамлакат жадал иқтисодий ўсишига ижобий таъсир этади. Шундан келиб чиқган ҳолда биз ҳам Мамлакатимизда тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улушини 2025 йилга 1%га 2030 йилга 2% 2035 йилга бориб 3% ошириш бўйича аниқ мақсадли дастурлар ишлаб чиқишимиз зарур.


Давлатнинг самарадорлиги (давлат бошқарувининг самарадорлиги) кўрсаткичи ва Қонун устуворлиги кўрсаткичилари 0 дан +5 гача баҳоланиб уларнинг натижалари бир-бирига жуда ўхшашлигини кўришимиз мумкин (2.1-расмга қаранг). Бу кўрсаткичлар кўплаб давлатларда 3.5 ва 5 оралиғида жойлашган бўлса Ўзбекистонда 1 ва 2 оралиғида жойлашган.

Давлатнинг самарадорлиги кўрсаткичини мамлакатимизда бир неча давлат ташкилотларида бир хил давлат функцияларининг такрорланиши ҳали ҳам кузатилаётганлиги, кўррупция ҳолатларини сабаб қилишимиз мумкин.

Инклюзив ўсишнинг умумий индекси ривожланган давлатларда 4.5 ва 6 оралиғида жойлашган бўлса, мамлакатимизда ҳам ижобий ҳолатга жуда яқин 3.93 қайд этилган. Буни инклюзив ўсишнинг омилларидан бири камбағаллик кўрсаткичи мамлакатимизда расмий тан олиб, махсус вазирлик

яратиб амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси сифатида кўришимиз мумкин.

Энергия самарадорлиги индексининг Ўзбекистон ва ривожланган давлатлардаги ҳолатини қуйида кўришинигиз мумкин (2.2-расмга қаранг)



**2.2-расм. Энергия самарадорлиги индексининг Ўзбекистон ва ривожланган давлатлардаги ҳолати<sup>102</sup>**


Таҳлил натижасида кўриш мумкинки энергия самарадорлиги индекси буйича Гонконг давлати етакчилик қилиб, унда энергия сарфининг 1 бирлигига ЯИМнинг 25-30 АҚШ долларлик улуши тўғри келмоқда. Кейинги ҳолат Сингапур, Ирландия, Данияда 15-20 оралиғида жойлашган бўлса Австрия, Франция, Япония, Германия давлатлари 10-15 оралиғида қайд этилган. Пастроқ кўрсаткичлар 5-10 оралиғида Швеция, АҚШ (США),

<sup>102</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари ва Survey усули орқали муаллиф томонидан ҳисобланди.

Финляндия, Жанубий Корея, Канада, Янги Зеландия ва Францияда қайд этилган. Буни кундан кунга замонавий техник воситаларнинг кўпайиб бориши натижасида энергияга эҳтиёж ҳажми кундан-кунга ортиб бораётганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Буюк Британия, Нидерландия, Исландия ва мамлакатимиз Ўзбекистонда натижалар 0-5 оралиғида жойлашиб энг қуйи кўрсаткичларни намоён этган.

Жаҳон банки томонидан коррупцияни назорат қилиш индекси юритилади. Унда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини ташкил этиш орқали коррупцияга йўл қўйилиши мумкин бўлган объектив омиллар олди олинади. Шу каби яна бошқа шартлар ҳисобига давлатларнинг кўрсаткичлари ҳисобланади. Натижалар салбий 0 ва ижобий 100 оралиғида акс этади. Коррупцияни назорат қилиш индекси қанча юқори бўлса, мамлакатда коррупция шунча кам дея баҳоланади (2.3-расмга қаранг).



**2.3-расм. Коррупцияни назорат қилиш индексининг Ўзбекистон ва ривожланган давлатлардаги ҳолати<sup>103</sup>**

<sup>103</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари ва Survey усули орқали муаллиф томонидан ҳисобланди.



Тадқиқот натижасида шуни кўриш мумкинки коррупцияни назорат қилиш индексида мамлакатлар бўйича кўрсаткичлар 70-90 оралиғида жойлашган. 70 дан қуйи кўрсаткичлар Францияда (69), Жанубий Кореяда (53) қайд этилган бўлса энг қуйи Ўзбекистонда (21)лигини кўришимиз мумкин.

Коррупцияни назорат қилиш индекси Ўзбекистонда камлигини мамлакатимизда коррупциянинг юқори даражадалиги билан эмас, балки, коррупция назоратидаги рақамлаштириш ишлари ҳали сустилигини кўришимиз мумкин. Аммо қуйидаги тадқиқотларимизда кўришинигиз мумкин бўладики Коррупцияни назорат қилиш индекси Ўзбекистонда сўнгги 10 йилликда мўтадил ўсганлигини кўриш мумкин. Буни кундан-кунга ИТ технологияларнинг ҳар бир соҳага, саноат тармоқларига, сервис хизматларига кирию келаётганлиги, Ўзбекистонда давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, унда [my.gov.uz](http://my.gov.uz) электрон платформаси орқали масофавий давлат хизматларини олиш имкониятлари юзага келмаётганлигини, ушбу агентликда амалга ошириш мумкин бўлган давлат хизматлари сони йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Демак, давлат хизматлари агентлигида барча давлат хизматларини масофавий амалга ошириш имкониятини йўлга қўйиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, кундан кунга замонавий техник воситаларнинг кўпайиб бориши натижасида энергияга эҳтиёж ҳажми ҳам мос равишда ортиб бормоқда. Ҳар бир мамлакат муқобил, экологик хавфсиз ва арзон энергия манбаларига ва тежамкор техника воситаларига ўтиш бўйича давлат давстурлари ишлаб чиқиб амалга оширмоқда. Мамлакатимизда ҳам тежамкор воситаларга ўтишни рағбатлантириш (Лед чироқлари ишлаб чиқарувчиларини даромад солиғидан озод этиш ва бошқалар), муқобил ва арзон энергия манбалари (худудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб қуёш ёки шамол электр станциялари) ни кўпайтириш зарур.

Тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улушини ошириш ҳар бир мамлакат жадал иқтисодий ўсишига ижобий таъсир этади. Шундан келиб чиқган ҳолда биз ҳам Мамлакатимизда тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улушини 2025 йилга 1%га 2030 йилга 2% 2035 йилга бориб 3% ошириш бўйича аниқ мақсадли дастурлар ишлаб чиқишимиз зарур. Давлатнинг самарадорлиги кўрсаткичини мамлакатимизда бир неча давлат ташкилотларида бир хил давлат функцияларининг такрорланиши ҳали ҳам кузатилаётганлиги, кўррупция ҳолатларини сабаб қилишимиз мумкин.

### **2.3. § ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИР ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ**

Кейинги тадқиқотимизда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари гуруҳланган. Ҳар бир гуруҳ омиллари бўйича мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш учун омиллар гуруҳинг аҳамиятли ўзаро улуши эконометрик усуллар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Тадқиқот натижасида келгусида Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсишни ошириш учун қайси омилларни оширишга кўпроқ аҳамият бериш кераклиги аниқланган ва илмий асосланган.

Интенсив ўсиш омилларини ўлчашнинг маълум халқаро усуллари ва макроиқтисодий курсаткичлари мавжуд. Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида<sup>104</sup> биз макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобладик. Кўрсаткичларнинг ўлчов бирликлари ва натижасини солиштириш мақсадида бирхиллаштириш учун уларни салбий натижа(минимум) “0” ва юқори ижобий натижа (максимум) “100” оралиғида индексладик (2.6-жадвалга қаранг).

<sup>104</sup> Хамдамов Ш.Р. Барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш бўйича янги услубий-амалий тавсиялар. Услубий тавсиянома. ТДИУ ҳузуридаги Илмий тадқиқот маркази № 2021/01/2-1 Тошкент-2021

2.6-жадвал.

Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари таҳлили(2010-2020 йиллар учун ўртача)<sup>105</sup>


	Интенсив ўсиш омиллари	Халқаро индекслар ва уларнинг ўлчов бирлиги	Ўзбекистоннинг ҳолати	Халқаро индекслар ўлчовини унификациялаш (мин 0-макс 100)	Корреляция кўрсаткичи	Ўзаро улуши (for pie chart) % да	Стандарт Бета коэффициент
1	Инновациялар	Тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улуши %	1.74±0.63	1.74±0.63	0,91	15,99	0,41
2	Саломатлик	Health care (min 0, max100)	64.82±11.60	64.82±11.60	0,90	15,74	0,219
3	Инфраструктура	Infrastructure (min 0, max1)	0,27±0.05	21.36±4.08	0,95	16,56	0,431
4	Қонун устуворлиги	ROL (min 0, max5)	1,37±0.59	26.91±11.69			
5	Муқобил ва арзон энергия манбалари	Energy efficiency (Энергия истеъмоли бирлиги учун ЯИМ; АҚШ доллори)	3,57±0.39	28±3.09	0,72	0,32	0,404
6	Давлат бошқаруви сифати	GE (min 0, max5)	2.06±0.35	41.36±6.98	0,98	17,16	-0,488
7	Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит	Effectiveness of anti-monopoly policy, 1-7 (best)	2,7±0.49	30.91±5.60	0,98	17,07	-1,333
8	маданий ва бошқа омиллар	Cultural and other (min 0, max100)	48.64±8.17	48.64±8.17	-0,97	-16,95	-0,3
9	Ишчи кучи малакаси	Human Development Index (min 0, max 1)	0.60±0.05	60.82±4.53	0,97	16,97	0,94
10	Коррупциянинг назорати	Control Corruption Rate (min 0- no corruption, max 100)	26.55±11.17	26.55±11.17	0,98	17,14	1.58
	Жами				5,71	100,00	1.863
	Ўрта геометрик кўрсаткич (мамлакатда интенсив ўсишнинг муаллифлик кўрсаткичи)			24,63±3,97			

<sup>105</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш шартлари ва омиллари кўрсаткичларини жаҳон мезонлари билан таққослаш (2.6-жадвал) қуйидагича хулоса қилишга имкон беради:

Ўзбекистонда Тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг (R&D) ЯИМдаги улуши 0.2%ни яъни бошқа мамлакатларга караганда ўртача 11.8 бараварга кам эканлигини кўрсатмоқда. Албатта бу тадқиқотлар ва уларнинг амалиётга жорий қилинишига маблағлар сарфини оширишни билдиради.

Монополияга қарши сиёсатнинг самарадорлиги халқаро кўрсаткичи (Effectiveness of anti-monopoly policy) энг паст 1 ва энг юқори ижобий кўрсаткич 7 ни ташкил этади. Ўзбекистон бўйича сўнгги 11 йилликда ўртача 2.7ни ташкил этган.



#### 2.4-расм. Ўзбекистонда 2010- 2020 йилларда Монополияга қарши сиёсат самарадорлиги индекси ҳолати<sup>106</sup>

2.4-расмдаги диаграммадан кўришимиз мумкинки, 2010-2017 йилларда Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсатнинг самарадорлиги индекси 2.1 дан

<sup>106</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари ва Survey усули орқали муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.45 кача мўтадил темпда ўсган. 2018-2019 йилдаги ижобий ўсиш темпини мамлакатда янги президент Ш.Мирзиёевнинг келиши ва янги ислохотлар, сиёсий қарорлар билан изоҳлаш мумкин. 2020 йилда Пандемия муносабати билан, кўплаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиши, давлат харидларида форс-мажор харидлар юзага келгани учун тендерларсиз харидлар амалга ошгани билан изоҳлаш мумкин.

Биз ушбу кўрсаткични бошқа кўрсаткичлар билан солиштириш қулай бўлиши учун 0 ва 100 оралиғида унификациялаштирдик ва натижада кўрсаткичларнинг ўртачаси 30.91 эканлиги ҳисобланди (2.6-жадвал).

Тадқиқотимизда жадал иқтисодий ўсиш омиллари гуруҳланган. Ҳар бир гуруҳ омиллари бўйича мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш учун омиллар гуруҳинг аҳамиятли ўзаро улуши эконометрик усуллар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Кейинги тадқиқотимизда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари гуруҳланган. Ҳар бир гуруҳ омиллари бўйича мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш учун омиллар гуруҳинг аҳамиятли ўзаро улуши эконометрик усуллар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Тадқиқот натижасида келгусида Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсишни ошириш учун қайси омилларни оширишга кўпроқ аҳамият бериш кераклиги аниқланган ва илмий асосланган.


Интенсив ўсиш омилларини ўлчашнинг маълум халқаро усуллари ва макроиқтисодий курсаткичлари мавжуд. Кўрсаткичларнинг ўлчов бирликлари ва натижасини солиштириш мақсадида бирхиллаштириш учун уларни салбий натижа(минимум) “0” ва юқори ижобий натижа (максимум) “100” оралиғида индексладик (2.6-жадвалга қаранг).

Халқаро индексларни ошириш керак бўлган нисбати ҳисобланди. Ва ушбу кўрсаткич ёрдамида эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон учун интенсив ўсиш омилларининг ўзаро салмоғи ҳисоблаб чиқилди.

Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда интенсив ўсиш омилларининг ҳолатини умумлаштириб ҳисоблаб чиқдик (2,7-жадвал ва 2.1-2.2-расмларга қаранг). Сўнг ушбу аналитик маълумотлар асосида статистик таҳлиллар амалга оширдик (2.5-расмга қаранг).

Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда жадал иқтисодий ўсиш тенденциялари динамикасида кузатишимиз мумкинки, саломатлик кўрсаткичи 60-70% оралиғида мўтадил ўсган. Буни мамлакатимиздаги бирламчи тиббиёт хизматларининг бепуллиги билан изоҳлаш мумкин.

Куйинги ўринда ишчи кучи малакаси турибди – 55-65%гача ўсган. Буни ҳам мамлакатимиздаги ўрта таълимнинг бепуллиги, халқнинг ўз-ўзидан ишчиларнинг саводхонлик даражаси юқорилиги билан ўз аксини топади.



**2.5-расм. Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда жадал иқтисодий ўсиш тенденциялари динамикаси<sup>107</sup>**

<sup>107</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2.5-расмда кўришимиз мумкинки, 2018-2019 йилларда мўтадил ўсиб келган кўрсаткичларда кескин ўзгариш, баъзиларида пасайишлар кузатилган.

Буни 2018 йилда мамлакат президентининг ўзгарганлиги натижасида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳам ўзгарганлиги ва давлат статистик кўрсаткичларининг шаффофлаштирилганлиги билан изоҳлаш мумкин.


## 2.7- жадвал.

### Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари кўрсаткичлари(2010-2020)<sup>108</sup>

Йил	Ялпи унутдорлик омиллари	Инновациялар	Саломағлик	Инфратузилма	Қонун устуворлиги	Мужобил ва арзон энергия манбалари	Давлат бошқаруви сифати	Бозор иқтисодийёти учун қулай шартлар	Маданий ва бошқа омиллар	Ишчи кучи малакаси	Коррупциянинг назорати	Муаллифлик индекси
2010	33,00	0,06	65	18	17	28	42	31	56	57	17	21,7
2011	34,00	0,8	68	19	17	27	43	30	56	58	17	22,5
2012	34,00	1,2	69	21	18	27	43	32	55	60	18	24,2
2013	35,00	1,6	69	22	18	26	43	32	55	59	19	25,0
2014	35,00	1,6	72	22	19	26	45	33	54	60	20	25,6
2015	36,00	1,8	70	23	19	31	45	34	53	61	20	26,5
2016	37,00	2,1	74	23	21	32	46	35	52	63	21	27,7
2017	37,00	2,1	75	23	22	32	46	35	53	65	21	28,0
2018	40,00	2,6	76	32	27	31	50	39	48	70	26	31,3
2019	39,00	2,30	74	27	27	31	49	38	48	70	25	30,1
2020	27,01	3	1	5	91	17	3	1	5	46	88	8,3

Ушбу жадвал маълумотлари асосида Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсиш ҳолатининг 2010-2020 йил бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаш натижасида қуйидаги график ишлаб чиқилди (2.6-расмга қаранг).

<sup>108</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.



**2.6-расм. Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсиш динамикаси<sup>109</sup>.**

Тадқиқот натижасида шу маълум бўлдики, мамлакатимизда сўнгги 11 йилликда саломатлик кўрсаткичи энг йуқори 65-75% атрофида эканлиги аниқланди. Буни мамлакатимиздаги бепул ва сифатли тиббий хизмат билан изоҳлашимиз мумкин. Кейинги ўринда ишчи кучи малакаси бўлиб 60-70% атрофида ўзгарган. Бу мамлакатимиздаги бепул ва мажбурий ўрта махсус таълимнинг ижобий самараси сифатида баҳоланади.

2020 йилда Covid-19 пандемияси даврида кескин ўзгаришлар юз берган. Бунда жорий қилинган чекловлар натижасида қонун устуворлиги ва коррупция назорати кескин ошган бўлса, бошқа кўрсаткичларда кескин камайиш кузатилган<sup>110</sup>.

Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг 2010-2020 йил бўйича аналитик кўрсаткичлари (2.7-жадвал) асосида Ялпи унумдорлик

<sup>109</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>110</sup> Khamdamov Sh. Calculating share of factors of intensive economic growths in Uzbekistan. First International workshop on communication management, soft computing and digital economy Proceedings Full papers. Pg.282-288. 15-16 december. Dubai -2021. (№3 Scopus).



кўрсаткичи боғлиқ ўзгарувчи сифатида белгилаб интенсив омилларининг 10 гуруҳ кўрсаткичлари билан корреляция таҳлили амалга оширилди (2.8-жадвалга қаранг).

**2.8- жадвал.**

**Ўзбекистонда ЯУО кўрсаткичи ва интенсив иқтисодий ўсиш омиллари кўрсаткичларининг ўзаро корреляция таҳлили(2010-2020)<sup>111</sup>**

		Ялпи унумдорлик омиллари
Ялпи унумдорлик омиллари	Pearson Correlation	1
	Sig. (2-tailed)	
Инновациялар	Pearson Correlation	,913**
	Sig. (2-tailed)	0
Саломатлик	Pearson Correlation	,899**
	Sig. (2-tailed)	0
Инфратузилма	Pearson Correlation	,946**
	Sig. (2-tailed)	0
Қонун устуворлиги	Pearson Correlation	,963**
	Sig. (2-tailed)	<u>0,06</u>
Муқобил ва арзон энергия манбалари	Pearson Correlation	,723*
	Sig. (2-tailed)	0,018
Давлат бошқаруви сифати	Pearson Correlation	,980**
	Sig. (2-tailed)	0
Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит	Pearson Correlation	,975**
	Sig. (2-tailed)	0
маданий ва бошқа омиллар	Pearson Correlation	-,968**
	Sig. (2-tailed)	0
Ишчи кучи малакаси	Pearson Correlation	,969**
	Sig. (2-tailed)	0
Коррупциянинг назорати	Pearson Correlation	,979**
	Sig. (2-tailed)	0

\*\* . Correlation is significant at the 0.01 level (2-tailed).

\* . Correlation is significant at the 0.05 level (2-tailed).

Корреляцион кўрсаткичларнинг аҳамияти Sig. (2-tailed) тести орқали текширилди (2.8-жадвалга қаранг). Қонун устуворлиги кўрсаткичининг аҳамиятлилиқ дарадаси 0.01 дан йуқори бўлганлиги учун, Корреляцион боғлиқлик аҳамиятсиз деб топилди<sup>112</sup>.

<sup>111</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

<sup>112</sup> Khamdamov Sh. Analysis of factors of intensive economic growth in Uzbekistan. JournalNX. Volume 7. Issue 12. Pg.301-305 India-2021 (№2 Journal Impact factor).

Тадқиқот давомида монополияга қарши сиёсат самарадорлиги кўрсаткичи боғлиқ ўзгарувчи сифатида белгилаб, унинг бошқа кўрсаткичларга корреляцион боғлиқлиги ҳисобланди (2.9-жадвалга қаранг).

## 2.9- жадвал.

### Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсат самарадорлигининг бошқа жадал ўсиш кўрсаткичларига корреляцион боғлиқлиги таҳлили (2010-2020)<sup>113</sup>

		монополияга қарши сиёсат самарадорлиги
Жадал иқтисодий ўсиш	Pearson Correlation	<b>,975**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
Саломатлик	Pearson Correlation	<b>,988**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
Инфраструктура	Pearson Correlation	<b>,934**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
Муқобил ва арзон энергия манбалари	Pearson Correlation	<b>,913**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
Давлат бошқаруви сифати	Pearson Correlation	<b>,996**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
маданий ва бошқа омилар	Pearson Correlation	<b>,896**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
Ишчи кучи малакаси	Pearson Correlation	<b>,891**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
Коррупция омилари	Pearson Correlation	<b>-,916**</b>
	Sig. (2-tailed)	0
Муаллифлик жадал ўсиш индекси	Pearson Correlation	<b>,972**</b>
	Sig. (2-tailed)	0

\*\* . Корреляцион боғлиқлик аҳамияти текшируви 0 ва 0.01 оралиғида бўлса аҳамиятли (Correlation is significant at the 0.01 level (2-tailed)).

Тадқиқот натижасида Монополияга қарши кураш самарадорлигига жадал иқтисодий ўсиш 97.5, саломатлик 98.8, инфраструктура 93.4, муқобил ва арзон энергия манбалари 91.3, ишчи кучи малакаси 89.1 ва муаллифлик жадал ўсиш индекси 97.2 корреляцион бирликка боғлиқлиги аниқланди.

Коррупция омиллари эса Монополияга қарши кураш самарадорлигига 91.6 %га тескари боғлиқлиги аниқланди. Яъни коррупциянинг ошиши рақабатнинг камайишига 91.6 %га корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

<sup>113</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Бундан ташқари 10та гуруҳ омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқликлари ҳам аниқланди.

Таҳлил натижасида мамлакатда жадал иқтисодий ўсишга яъни ялпи унумдорлик омилларига инновациялар 91,3 саломатлик омиллари 89,9, инфратузилма 94,6, муқобил ва арзон энергия манбалари 72,3, давлат бошқаруви сифати яъни рақобатга қарши сиёсатнинг самарадорлиги 97,5, ишчи кучи малакаси 96,9, коррупциянинг назорати 97,9 бирликка корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

Бундан ташқари, маданий омиллар 96,8га тескари корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Буни хулқ-атвор иқтисодиёти қоидаларидан келиб чиқиб, халқимизнинг оилавий жамғармасини инсон капиталининг ўсишига эмас, нафс харажатлари, хусусан тўй-ҳашам, туғилган кун ва байрам тадбирлари харажатлари билан изоҳлаш мумкин.

## **2-боб бўйича хулоса**

Тадқиқот ишимизнинг иккинчи боби доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Биз Ўзбекистоннинг серкўёшлиги, табиий озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашга жуда мос келувчи иқлим мавжудлигини бутун денёга жар солиб, хорижий инвесторлар ва хорижий лойиҳаларни жалб қилишимиз зурур. Уларга имтиёзлар ишлаб чиқиб, солиқлардан озод этиш бўйича давлат ишонч қоғозлари(гарантия)ни тақдим этиш зарур.<sup>114</sup>.

2. Мамлакатимизда ҳам тежамкор воситаларга ўтишни рағбатлантириш (Лед чироклари ишлаб чиқарувчиларини даромад солиғидан озод этиш ва бошқалар), муқобил ва арзон энергия манбалари (ҳудудларнинг ўзига

---

<sup>114</sup> Ҳамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтишнинг муаммолари ва истиқболлари. Иқтисодиёт ва таълим журнали. 1-сон. Тошкент-2020.

хослигидан келиб чиқиб қуёш ёки шамол электр станциялари) ни кўпайтириш зарур.

3. Тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улушини ошириш ҳар бир мамлакат жадал иқтисодий ўсишига ижобий таъсир этади. Шундан келиб чиқган ҳолда биз ҳам Мамлакатимизда тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг ЯИМдаги улушини 2025 йилга 1%га 2030 йилга 2% 2035 йилга бориб 3% ошириш бўйича аниқ мақсадли дастурлар ишлаб чиқишимиз зарур. Давлатнинг самарадорлиги кўрсаткичини мамлакатимизда бир неча давлат ташкилотларида бир хил давлат функцияларининг такрорланиши ҳали ҳам кузатилаётганлиги, кўррупция ҳолатларини сабаб қилишимиз мумкин.

4. Таҳлил натижасида мамлакатда жадал иқтисодий ўсишга яъни ялпи унумдорлик омилларига инновациялар 91,3 саломатлик омиллари 89,9, инфратузилма 94,6, муқобил ва арзон энергия манбалари 72,3, давлат бошқаруви сифати яъни рақобатга қарши сиёсатнинг самарадорлиги 97,5, ишчи кучи малакаси 96,9, коррупциянинг назорати 97,9 бирликка корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

5. Бундан ташқари, маданий омиллар 96,8га тескари корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Буни хулқ-атвор иқтисодиёти қоидаларидан келиб чиқиб, халқимизнинг оилавий жамғармасини инсон капиталининг ўсишига эмас, нафс харажатлари, хусусан тўй-ҳашам, туғилган кун ва байрам тадбирлари харажатлари билан изоҳлаш мумкин.

### **III -БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. § БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрьдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” №841 сонли қарорига биноан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадлари белгиланган.<sup>115</sup>

Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Иқтисодиётда, турли мулк шакллари кенгайтириш, инновацион ҳамда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида институционал ўзгаришлар такомиллаштирилди. Бу каби муҳим чора-тадбирлар натижасида, мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсишнинг ижобий даражасига эришилди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни

---

<sup>115</sup> Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрьдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” №841 сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4013356>

чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш»<sup>116</sup> муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

“Барқарор” сўзи иқтисодиётда бугунги кунда асосан ўсиш ва ривожланишга нисбатан ишлатилади ва “барқарор” сўзи омоним<sup>117</sup> сўз бўлиб 2 та маънони англатганлиги сабабли иқтисодчиларимиз ўртасида баҳсли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Хусусан мутахассислар томонидан ушбу иқтисодий атамалар фойдаланилганда, олимлар томонидан “барқарор” омоним сўзининг қайси маъноси назарда тутиляётганлигига изоҳлар талаб қилинмоқдава музокараларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун “барқарор” омоним сўзининг ҳар бир маъносига мос келувчи янги синоним<sup>118</sup> сўзлар таклиф қилиш орқали янги иқтисодий атамалар жорий қилиш зарурати юзага келмоқда.

Биз ўз илмий ишимизда иқтисодиётда фойдаланилаётган “барқарор” омоним сўзининг 2 та маъносидаги фарқларини таҳлил қилиш, шунингдек ўзбек тилининг ўзига хослиги ва унинг этимологияси<sup>119</sup>ни мутахассис олимлар билан ўрганган ҳолда уларнинг ҳар бир маъносига янги ва асосли синоним сўзлар, иқтисодий атамалар таклиф этиш билан юқорида келтирилган муаммоларнинг олдини олишни мақсад қилганмиз.

Иқтисодий ўсишни ҳисоблашдаги Роберт Солоунинг қолдиқ моделига биноан<sup>120</sup> иқтисодий ўсишнинг омилларини Мейнард Кейнсдан фарқли равишда 2 га (капитал ва меҳнат) эмас 3 га бўлади. Яъни иқтисодий ўсишни

---

<sup>116</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харажатлар стратегияси тугрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

<sup>117</sup>Тил бирликларининг маъноларига кўра ҳар хил бўлиб, талаффузида ҳамда ёзилишида тенг келиб қолишига “Омоним сўзлар” дейилади. Ўзбек тили практикуми. Тошкент-2005.  
[https://n.ziyouz.com/books/kollej\\_va\\_otm\\_darsliklari/ona-tili\\_va\\_adabiyot/O'zbek%20tili%20praktikumi.%201-qism.pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/ona-tili_va_adabiyot/O'zbek%20tili%20praktikumi.%201-qism.pdf)

<sup>118</sup> маънодош сўзларга синоним сўзлар дейилади. [https://n.ziyouz.com/books/kollej\\_va\\_otm\\_darsliklari/ona-tili\\_va\\_adabiyot/O'zbek%20tili%20praktikumi.%201-qism.pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/ona-tili_va_adabiyot/O'zbek%20tili%20praktikumi.%201-qism.pdf)

<sup>119</sup>Кэлиб чиқиш тарихи

<sup>120</sup> [Solow R. M. Technical Change and the Aggregate Production Function // The Review of Economics and Statistics](#) (англ.)русск. — 1957. — Август (vol. 39, № 3). — P. 312—320.

таъминлашда меҳнат ва капиталдан ташқари яъни бор омил-қолдиқ бор дея уни техника тараққиёти омили деб айтган. Аммо биз уни инкор этиб, техника тараққиётидан ташқари яна бошқа унумдорлик омиллари бор деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда жами омиллар унумдорлиги(ЖОУ) кўрсаткичи корхона ёки танланган баъзи саноатлар тармоғида ҳисобланиб келинмоқда. Яммо бу кўрсаткични макроиктисодиёт кўламида, яъни Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишидаги улушини аниқ ҳисоблаш имконсиз деб қаралган, ва ҳеч бир хорижий олим ёки дунё мамлакатларининг макроиктисодий кўрсаткичларининг ҳисобини юритувчи халқаро ташкилотлари (Жаҳон банки, Осиё тараққийти банки ва бошқалар) томонидан бирор мамлакат бўйича жами омиллар унумдорлиги(ЖОУ)нинг ЯИМ ўсишидаги аниқ улуши юритилмаган.

Сабаби, Бугунги кунга қадар ушбу кўрсаткични макро кўламда аниқ ҳисоблаш усули йўқлиги яъни мавжуд усуллар макро кўламда аниқ натижа бермайди деб қаралади. Шу сабабли ривожланган давлатларда ушбу кўрсаткич ҳисоби яъни “ЖОУнинг ЯИМ ўсишидаги улуши” ҳисоби юритилмайди.

Мавжуд Солоу усулида ушбу кўрсаткич Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳисобланади ва ҳисобланган натижанинг аниқ (реал) натижага яқинлиги жуда паст деб қаралади. Шунинг учун Солоу усули микроиктисодиёт кўламида фаол ишлатилади.

Барқарорлик бу – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўсига хос муайянлик ҳолати<sup>121</sup>.

Барқарор ривожланиш – жамият тараққиётининг энг муҳим замонавий тамойилларидан бири. Унга биноан жамиятнинг энг муҳим мақсади – ривожланишнинг узлуксизлигини, унинг барқарор характерини таъминлашдир. Барқарор ривожланиш ўз ичига иқтисодий, экологик,

---

<sup>121</sup> Иқтисодий атамаларнинг изоҳли луғати. Ш.Мустафакулов, О.Раҳимбердиев, М. Эгамбердиева. Тошкент-2019.

демографик ва бошқа компонентларни қамраб олади ва нафақат ҳозирги кунда яшовчилар, балки келажак авлодларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлашни кўзда тутди<sup>122</sup>.

Барқарор ривожланиш — бу шундай ривожланишки у аҳолини ҳозирги эҳтиёжларини қондиради ва келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини хавф остига қўймайди<sup>123</sup>.

Ушбу таърифда экологик барқарорлик инобатга олинган бўлиб, барқарор ривожланишнинг барча жиҳатлари инобатга олинмаган.

Барқарор иқтисодий ўсиш — бу иқтисодиётнинг узоқ вақт давомида юқори суръатлар билан ўсиб боришидир<sup>124</sup>.

Хуп, қайси ўзига хос муайянлик ҳолати ва қайси бошқа компонентлар? Ушбу саволларга биз ўзбек олимлари ишларида тўлиқ жавоб топа олмадик ва хорижий маълумотлар ва ушбу атаманинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қилдик.

Хорижий маълумотларга кўра барқарорлик (“устойчивость”) бу — тармоқнинг ташқи таъсирлар таъсири остида унинг ҳозирги ҳолатини сақлаб туриш қобилияти.

Бундан келиб чиқадики барқарор ривожланиш бу- тармоқ (ёки тизим)нинг ташқи таъсирлар таъсири остида унинг ҳозирги ҳолатини сақлаб туриш эвазига эриладиган ривожланиш. Аммо, бу унчалик тўғри эмас, сабаби, “барқарор ривожланиш” сўз брикмасини биринчи бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) қўллаган бўлиб, у ўз маъносини кенгайтирган. Ҳозирги кунда юқорида айтиб ўтилган таъриф фақатгина “экологик барқарорлик<sup>125</sup>”га тегишли бўлиб қолган.

---

<sup>122</sup> Ўзбекистон: Амалий қўлланма. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури. Тошкент-2011.

<https://www.uz.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/human-development/toolkit-for-parliamentarians-on-human-development/Toolkit%20for%20Parliamentarians%20on%20Human%20Development%20UZ.pdf>

<sup>123</sup> Молиявий-иқтисодий таянч сўзларга қиёсий изоҳли луғат. Урмонов Н., Мустафақулов Ш. Тошкент-2016

<sup>124</sup> Молиявий-иқтисодий таянч сўзларга қиёсий изоҳли луғат. Урмонов Н., Мустафақулов Ш. Тошкент-2016

<sup>125</sup> Экологик барқарорлик ва барқарорликнинг бошқа турларининг Q методологияси асосида таҳлилини Ш.Хамдамовнинг 2020 йил 7 декабрдаги №2020/01/2-16 сонли “Барқарор иқтисодий ривожланишни



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг барқарор ривожланиш мақсадлари қайсилар деган савол юзага келиши табиий. Ва биз ушбу мақсадлар доирасида “Барқарор ривожланиш”га қуйидагича тафсир (трактовка) берамиз:

Барқарор ривожланиш деб - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, яъни ўта қашшоқликка барҳам бериш, очликка барҳам бериш, соғлик ва фаровонлик, сифатли таълим, гендер тенглиги, тоза сув ва санитария, арзон ва тоза энергия, муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш, саноатлаштириш, инновация ва инфратузилма, тенгсизликни камайтириш, барқарор шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари, масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, денгиз экотизимларини асраш, қуруқликдаги экотизимларни асраш, тинчлик, адолат ва самарали бошқарув институтлари, барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорликни таъминлаш асосидаги ривожланишга айтилади<sup>126</sup>.

Биз илмий раҳбарим и.ф.д. проф А.Усманов бошчилигида “Барқарор ривожланиш” иқтисодий атамасини чуқур ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик:


Барқарор ривожланиш – бу ривожланишнинг тикланадиган табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат омиллари билан таъминланган ЯИМнинг миқдорий ва сифат жиҳатдан ўсиши. Бунда ривожланишнинг барқарорлигини вақт даврларида – ривожланишнинг жорий, ўрта ва узоқ муддатли даврларида кўриб чиқиш лозим. Жорий даврда, иқтисодиётнинг ўсиши вазифаларидан келиб чиқиб ЯИМ ўсишининг юқори суръатларига эришиш мумкин. Бироқ, иқтисодиёт ривожланишининг, унинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш, ЯИМнинг ўсиш суръатлари асосан

---

таъминлашдаинтенсив иқтисодий ўсиш омиллари ва унинг стратегик йўналишлари” Аналитик ишланмасида танишишингиз мумкин.Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий тадқиқот маркази. Тошкент — 2020.

<sup>126</sup> “Барқарор ривожланиш” иқтисодий атамасини муаллифлик тафсири.

иқтисодий жадвал ривожлантириш имкониятларидан келиб чиқиб, яъни кўпроқ ривожланишнинг интенсив омиллари (TFP) ҳисобидан юзага келиши керак<sup>127</sup>.



### 3.1- расм. Барқарор омоним сўзининг маъноларининг рус тилидаги фарқи<sup>128</sup>

“Барқарор” сўзи иқтисодийда бугунги кунда асосан ўсиш ва ривожланишга нисбатан ишлатилади ва “барқарор” сўзи омоним<sup>129</sup> сөз бўлиб 2 та маънони англатганлиги сабабли иқтисодчиларимиз ўртасида баҳсли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда (3.1-расм). Шундан келиб чиқиб, қуйида биз ҳар иккала маъносига янги синонимлар таклиф этамиз (3.1-жадвал).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида Барқарорлик бу – Турғунлик, мустаҳкамлик, ўзгармаслик ҳолати дея келтирилган<sup>130</sup>.

<sup>127</sup> А.Усманов. Ички захира ва имкониятларни сафарбар қилиш стратегиясининг концептуал асослари. Монография. Б.14. Тошкент 2017.)

<sup>128</sup> Чизма: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>129</sup>Тил бирликларининг маъноларига кўра ҳар хил бўлиб, талаффузида ҳамда ёзилишида тенг келиб қолишига “Омоним сўзлар ” дейилади. Ўзбек тили практикми. Тошкент-2005. [https://n.ziyouz.com/books/kollej\\_va\\_otm\\_darsliklari/ona-tili\\_va\\_adabiyot/O'zbek%20tili%20praktikumi.%201-qism.pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/ona-tili_va_adabiyot/O'zbek%20tili%20praktikumi.%201-qism.pdf)

<sup>130</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. [http://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20B.pdf](http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20B.pdf)

“Барқарор” асли форсий сўз бўлиб “бар-“ префикс олд қўшимча бўлиб, “ҳамоҳанг” “мос” маъноларини англатиб “Қарор” эса “тўхташ”, “ечим”, “хулоса” маъноларини англатади. Барқарор сўзи “қарорга мувофиқ” “қабул қилинган қарорга, келишилган ечимга мос” маъноларини англатади.

### 3.1- жадвал.

#### Барқарор сўзининг 2 та маънолари орасидаги фарқ<sup>131</sup>

	Барқарор	
<b>Рус тилида</b>	устойчивый	стабильный
<b>Инглиз тилида</b>	sustainable	stable
<b>Форс-тожик тилида</b>	устувор	устуворона
<b>Турк тилида</b>	kararli	istikrarlı
<b>Янги таклиф этилаётган муалифлик атамалари</b>	-	мўътадил (ёки мувозанатли, турғун, равон, текис)

“Мўътадил” сўзи асли арабча сўз бўлиб, “одил”, “адолат” сўзлари билан ўзакдош ҳисобланиб, “умуман”, “ўртача”, “меъёрий” маъноларини англатади.

“Барқарор ривожланиш” ва “барқарор ўсиш” иқтисодий атамаларида, “барқарор” сўзи икки хил маънони англатаётганлиги инобатга олиниб, уларнинг ҳар бир маъноларига мос келувчи янги “устувор ривожланиш”,

<sup>131</sup> Жадвал: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

“мўтадил ривожланиш” ва “мўтадил ўсиш” иқтисодий атамаларини амалиётга жорий этишни таклиф этамиз.

Интенсив иқтисодий ўсишни аниқлашнинг умумий индекси сифатида Ялпи омиллар унумдорлиги (Total Factor Productivity) кўрсаткичини келтиришимиз мумкин.

Ялпи омиллар унумдорлиги (Total Factor Productivity) — иқтисодий тушунча бўлиб, меҳнат ва капитал харажатларидан ташқари, ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар мажмуасини англатади.

Ялпи омиллар унумдорлиги (ЯОУ) атамасини мувофиқлаштиришни таклиф этамиз. Бу кўрсаткич Ўзбекистон учун ҳали янги ҳисобланиб, давлат идоралари томонидан фаол ишлатилмайди. Фақат санокли (4-5 та) ўзбек иқтисодичи олимлари таҳлилларида турлича (2 хил) “Ялпи омиллар унумдорлиги(ЯОУ)” ва “Жами омиллар унумдорлиги(ЖОУ)” деб қўлланилган. Ушбу кўрсаткични ўзбек иқтисодчи олимлари томонидан таржима қилишда тилшуносликнинг морфологик қоидаларига риоя этилмаган. Ялпи омиллар унумдорлиги сўз брикмасида “ялпи” аниқловчи, “омиллар унумдорлиги” биргаликда эга бўлиб, мураккаб турдаги сўз брикмаси ҳисобланади ва тушунишда ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Биз, *“Жами унумдорлик омиллари” (ЖУО)* ни таклиф этамиз, сабаби бу кўрсаткич барча унумдорлик омилларининг жами(ялпи) улушини билдиради. Шунинг учун омил эмас омиллар дедик. Ва “Жами унумдорлик омиллари” сўз брикмасида эса, “омиллар” якка эга бўлади ва тўғри маъно чиқади.

Роберт Солоу иқтисодий ўсиш моделида иқтисодий ўсишнинг меҳнат ва капиталдан ташқари учинчи қолдиқ қисмини фақатгина техника тараққиёти омили деб айтган. Аммо биз уни инкор этиб, қолдиқ қисмда техника тараққиётдан ташқари яна бошқа унумдорлик омиллари бор деб ҳисоблаймиз ва уни инглиз тилида “Gross Total Factor Productivity(GTFP)” деб, ва ўзбек тилида *“Ялпи жами унумдорлик омиллари(ЯЖУО)”* деб таклиф

қиламиз. Сабаби биз мавжуд “Ялпи омиллар унумдорлиги (Total factor productivity)” кўрсаткичини биринчилардан бўлиб макро кўламда, яъни ЯИМ ўсишидаги улуши сифатида қараймиз.

Сабаби, бугунги кунда, ЯИМ ўсишини ҳисоблашда мавжуд ананавий усул — жорий йилдаги ЯИМ қийматининг ўтган йилдаги ЯИМ қийматига нисбати орқали ҳисоблашади(3.1-формула).

### 3.1-формула.

#### ЯИМ қийматига нисбати орқали ҳисоблаш

$$Y = \frac{Y_t - Y_{t-1}}{Y_{t-1}} \cdot 100\% = \frac{\Delta Y_t}{Y_{t-1}} \cdot 100\%,$$

$Y$  – Ялпи ички маҳсулот

$\Delta Y$  – Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши

$t$  - жорий давр

$t-1$  - ўтган давр

Формуланинг микроиқтисодиёт кўламида ишлатилишига тўхталамиз.

Биз иқтисодий ўсиш бўйича барча моделларни чуқур ўрганиб чиқдик ва фанда биринчилардан бўлиб ишлаб чиқаришнинг ўсишини ҳисоблашда “капиталнинг ўсиши”, “ишчи кучи қийматининг ўсиши”, “жами унумдорлик омиллари(ЖУО)нинг ўсиши” кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш бўйича *янги муаллифлик моделини* таклиф этамиз:

$$\Delta Y = \Delta A + \Delta K + \Delta L$$

Бу ерда,

$\Delta Y$  – ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ( мамлакат миқёсида бўлса Ялпи ички маҳсулот);

$\Delta K$  –капиталнинг ўсиши;

$\Delta L$  – ишчи кучи қийматининг ўсиши;

$\Delta A$ - Жами унумдорлик омиллари(ЖУО) нинг ўсиши.

Ушбу иқтисодий модел эндоген модел ҳисобланиб, унда қуйидаги айниятлар бажарилган тақдирда аниқ натижага эришилади:

1. Аҳоли сони, ишчи кучи, иш ҳақи ўзгармас;
2. Ер майдони ўзгармас;
3. Инфляция даражаси “0”га тенг;
4. Ҳалол конкуренция;
5. Ташқи таъсирлар йўқ;
6. Фавқулотда ҳолатлар йўқ.

Ушбу моделни экзоген сифатида фойдаланишда ҳар бир ҳолат инобатга олинганда модел учун алоҳида омил сифатида киритилади ва бу реал ҳолатни аниқлаш имкониятини яратади.

Масалан, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бўйича ЖУОни ҳисоблашда ер майдони яъни экин майдони ўзгарувчан бўлган тақдирда, унинг улуши алоҳида ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омил сифатида тенгламага киритилади.

Моделнинг мамлакат миқёсида (макро кўламда) ишлатилишига тўхталамиз. ЯИМ ўсишини меҳнат, капитал, ЖУОга тегишли бўлмаган ҳолда ҳисоблашади.

Биз ЯИМни ўсишини ҳисоблашда “Ялпи Капиталнинг ўсиши”, “Ялпи Ишчи кучи қийматининг ўсиши”, “Ялпи жами унумдорлик омиллари(ЯЖУО)нинг ўсиши” кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш бўйича янги моделни таклиф этамиз:

$$1\text{-формула: } \Delta \mathbf{GDP} = \Delta \mathbf{K} + \Delta \mathbf{L} + \Delta \mathbf{A}$$

Ва ушбу тенглама асосида ўз-ўзидан яна 3 та янги формула келиб чиқади:

$$2\text{-формула: } \Delta \mathbf{K} = \Delta \mathbf{GDP} - \Delta \mathbf{L} - \Delta \mathbf{A}$$

$$3\text{-формула: } \Delta \mathbf{L} = \Delta \mathbf{GDP} - \Delta \mathbf{K} - \Delta \mathbf{A}$$

$$4\text{-формула: } \Delta \mathbf{A} = \Delta \mathbf{GDP} - \Delta \mathbf{L} - \Delta \mathbf{K}$$

Бу ерда,

$\Delta GDP$  – ЯИМ ўсиш суръати (growth of Gross Domestic Product)

ва қуйида микроиқтисодиётда мавжуд кўрсаткичларнинг макро кўламда ҳисоблаш таклиф этилаётган янги 3 та макроиқтисодий кўрсаткичлар:

$\Delta K$  – Ялпи Капиталнинг ўсиши (growth of Gross Kapital)

$\Delta L$  – Ялпи Ишчи кучи қийматининг ўсиши (Gross Labor cost growth)

$\Delta A$ - Ялпи жами унумдорлик омиллари(ЯЖУО)нинг ўсиши (growth of Gross Total Factor Productivity)

Labor cost ва TFP кўрсаткичлари иқтисодчилар томонидан шу кунгача микроиқтисодиёт кўламида ишлатилган. Шунинг учун “ялпи ишчи кучи қиймати” Gross Labor cost ва “Ялпи жами унумдорлик омиллари яъни GrossTFP деган иқтисодий атамалар шу кунгача ишлатилмаган.

Ушбу формулалар орасида бизнинг назаримизда иқтисодиётда кенг фойдаланилиши кутилаётган формула бу 4- формула бўлиб у мамлакат бўйича Жами унумдорлик омили яъни TFP ЯИМ ўсиши орқали ҳисоблаш имконини биринчилардан бўлиб беради.

Ушбу усулни мавжуд усуллардан фарқининг таҳлилини 1-иловада танишишингиз мумкин.

Биз танланма Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичига юқори корреляцион боғлиқ бўлган 9 гуруҳ интенсив иқтисодий ўсиш омиллари иштирокида (9-жадвалга қаранг) қуйидаги интенсив иқтисодий ўсиш(ИИЎ)ни ифодалашнинг муаллифлик кўрсаткичи ишлаб чиқилди<sup>132</sup>:

$$Q = \sqrt[10]{(x_1x_2x_3x_4x_5x_6x_7x_8x_9)}$$

Бунда,

Q – интенсив иқтисодий ўсиш кўрсаткичи;

$x_1$  – ЯИМда инновацияларнинг улуши (R&D in GDP);

---

<sup>132</sup> Ушбу кўрсаткич муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

- x2 – Саломатлик индекси (Health);
- x3 – Инфраструктура (Infrastructure);
- x4 – муқобил ва арзон энергия манбалари (Energy efficiency);
- x5 – давлат бошқаруви сифати (Government efficiency);
- x6 – бозор иқтисодиёти учун қулай шароит (Effectiveness of anti-monopoly policy);
- x7 – маданий ва бошқа омиллар (Cultural and other);
- x8 – ишчи кучи малакаси (Human Development Index);
- x9 - коррупциянинг назорати (Control Corruption Rate).

Ушбу формула билан мамлакатда интенсив ўсишни ҳисоблашда мавжуд халқаро кўрсаткичларнинг ( $x_1, x_2, x_3, \dots, x_9$ ) минимум ва максимум кўрсаткичлари ҳар хиллигини инобатга олиб уларнинг ифодасини унификациялаштириш керак, яъни минимум “0” ва максимум “100” қийматларига нисбатини олиш керак. Шундан сўнг ушбу формула бўйича исталган мамлакатда интенсив ўсиш даражасини аниқлаш мумкин бўлади.

Биз таклиф этилаётган муаллифлик интенсив ўсиш кўрсаткичини Ўзбекистон бўйича 2010-2020 йилларда ҳисобладик (3.2-жадвалга қаранг). Уни ва ЯУО кўрсаткичини натижалари билан корреляцион таҳлил қилдик. (3.4-жадвалга қаранг).



**Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари  
кўрсаткичлари(2010-2020)<sup>133</sup>**

Йил	Ялпи унумдорлик омиллари	Инновациялар	Саломатлик	Инфрамузола	Қонун устуворлиги	Мўқобил ва арзон энергия манбалари	Давлат бошқаруви сифати	Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит	маданий ва бошқа омиллар	Ишчи кучи малакаси	Коррупциянинг назорати	Муаллифлик индекси
2010	33,00	0,06	65	18	17	28	42	31	56	57	17	21,7
2011	34,00	0,8	68	19	17	27	43	30	56	58	17	22,5
2012	34,00	1,2	69	21	18	27	43	32	55	60	18	24,2
2013	35,00	1,6	69	22	18	26	43	32	55	59	19	25,0
2014	35,00	1,6	72	22	19	26	45	33	54	60	20	25,6
2015	36,00	1,8	70	23	19	31	45	34	53	61	20	26,5
2016	37,00	2,1	74	23	21	32	46	35	52	63	21	27,7
2017	37,00	2,1	75	23	22	32	46	35	53	65	21	28,0
2018	40,00	2,6	76	32	27	31	50	39	48	70	26	31,3
2019	39,00	2,30	74	27	27	31	49	38	48	70	25	30,1
2020	27,01	3	1	5	91	17	3	1	5	46	98	8,3

Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг 2010-2020 йил бўйича аналитик кўрсаткичлари (3.2-жадвал) асосида Ялпи унумдорлик кўрсаткичи боғлиқ ўзгарувчи сифатида белгилаб интенсив омилларининг 10 гуруҳ кўрсаткичлари билан корреляция таҳлили амалга оширилди (3.5-жадвалга қаранг).

<sup>133</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

**Ялпи унумдорлик омили ва муаллифлик индексининг  
корреляция таҳлили <sup>134</sup>**


**Correlations**

		Ялпи унумдорли к омиллари	Муаллифл ик индекси
Ялпи унумдорлик омиллари	Pearson Correlation	1	,985**
	Sig. (2-tailed)		,000
	N	10	10
Муаллифлик индекси	Pearson Correlation	,985**	1
	Sig. (2-tailed)	,000	
	N	10	10

\*\* . Correlation is significant at the 0.01 level (2-tailed).

Муаллифлик индексини ва ЯУО кўрсаткичини натижалари билан 0.985 корреляцион боғлиқлиги 0.985ни ташкил этди. Натижалар аҳамиятли деб топилди (Sig. = 0.000). Натижалар 2та кўрсаткични юқори ўхшашлигини намоён қилди. Ўхшашликни қуйидаги графикда ҳам кўриш мумкин (3.2-расмга қаранг).

<sup>134</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.



**3.2-расм. Ялпи унумдорлик омили ва муаллифлик индексининг 2010-2020 йиллардаги ҳолати<sup>135</sup>.**

*Афзалликлари:* Янги кўрсаткичнинг Ялпи унумдорлик омилларидан афзалликлари қуйидагилар:


- 1) мавжуд халқаро индекслар натижаларини унификациялаш (мин 0, мах 100) орқали осон ҳисоблаш мумкинлиги;
- 2) ЯУО кўрсаткичи натижалари билан юқори корреляцион боғлиқлиги, натижаларнинг тўғри пропорционаллиги;
- 3) Мамлакат бўйича интенсив ўсиш даражасини ифодалаши.

*Камчиликлари:* Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичи каби мамлакатдаги ЯИМ таркибидаги интенсив ўсишнинг умумий ҳажмини ифодаламайди.

<sup>135</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

### 3.2. § ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари миқдор кўрсаткичлари асосида (2.7-жадвалга қаранг) Чизикли регрессион тенглама тузиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тадқиқотчилар учун тақдим этган “SPSS” эконометрик тадқиқотлар дастури орқали автоматик чизикли регрессион модели тузилди<sup>136</sup> (3.3-расмга қаранг).




### 3.3-расм. Регрессион модел хулосалари<sup>137</sup>.

Моделнинг ишончлилиқ даражаси 97.4% лиги аниқланди.

IBM SPSS дастурида автокорреляцияланган, ўзаро корреляция даражаси юқори бўлган омилларни автоматик тарзда чиқариб ташлаб “давлат бошқаруви сифати” ва “инновациялар” омилларини қолдирди (3.4-расмга қаранг).

<sup>136</sup> Хамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг ўзаро салмоғини аниқлаш. “Иқтисодиёт ва таълим” №5. Б.84-88. Тошкент-2021.

<sup>137</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.



### 3.4-расм. Прогноз қилишга боғлиқ омиллар(предикторлар)нинг аҳамияти даражаси<sup>138</sup>.

Таҳлил натижасида “давлат бошқаруви сифати” предиктори юқори аҳамиятлик касб этиб 0.805 га тенглиги, “инновациялар” предиктори паст аҳамиятли бўлиб 0.195 га тенглиги аниқланди.

Шунингдек Коэффициентлар таҳлили натижасига кўра қолдиқ (Intercept = C) кўрсаткичи 8.023 га тенг эканлиги аниқланди ва қуйидаги кўринишдаги модел тузилди:

$$Y = 0.576 * x_1 + 1.164 * x_2 + 8.023$$

Бунда,

Y – мамлакатда ялпи унумдорлик омиллари ҳажми (интенсив ўсиш ҳажми);


x<sub>1</sub> - давлат бошқаруви сифати;

x<sub>2</sub> –инвестициялар.

*Тадқиқот натижаси шу маълум бўлдики, давлат бошқарув сифатининг 1 %га ўсиши Ўзбекистонда ЯУОнинг 0.576 %га , инновацияларнинг 1 %га ўсиши ЯУОнинг 1.164 %га ўсишига сабаб бўлади.*

<sup>138</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Бундан сўнг, моделнинг қолдиқлар таҳлил қилинди (3.5-расмга қаранг).



### 3.5-расм. Регрессион моделнинг Студент усули бўйича қолдиқлар гистограммаси<sup>139</sup>.


Қолдиқларининг гистограммаси қолдиқларнинг тақсимланишини оддий тақсимот билан таққослади. Натижада ўртача қолдиқ 0.07га, стандарт оғиш эса 0.995 бирликка тенглиги аниқланди.

Ўзбекистонда Ялпи унумдорлик омилларининг прогноз қийматлари графиги тузилди (3.6-расмга қаранг).

<sup>139</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

## Predicted by Observed

Target: Ялпи унумдорлик омиллари



### 3.6-расм. Ялпи унумдорлик омилларининг прогноз қийматлари<sup>140</sup>.

Регрессион модель асосида Ялпи унумдорлик омилларининг прогноз қийматлари ҳисобланди. Унга кўра прогноз кўрсаткичлар 32-40 оралиғида жойлашди.


<sup>140</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

ЯУО ва давлат бошқаруви сифатининг ўзаро боғлиқ ҳолда прогноз кўрсаткичлари аниқланди (3.7-расмга қаранг).

### Estimated Means

Target: Ялпи унумдорлик омиллари

Estimated means charts for the top ten significant effects ( $p < .05$ ) are displayed.



**3.7-расм. ЯУО ва давлат бошқаруви сифатининг ўзаро боғлиқ ҳолда прогноз графиги<sup>141</sup>.**

Натижага кўра давлат бошқаруви сифати(ДБС) 42 ни ташкил қилганда ЯУО 34.2га, ДБС 46 ни ташкил қилганда ЯУО 36.5га, ДБС 50 ни ташкил қилганда ЯУО 38.8 га тенг бўлиши прогноз қилинди.

<sup>141</sup> Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.



Ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш ва ривожлантириш зарур, бироқ, бу жараён узоқ давом этади ва мамлакатларнинг мавжуд таққослама афзалликларига асосланиб, пухта режалаштирилган босқичларда амалга оширилиши керак. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги уларнинг иқтисодиётида муҳим ўрин тутди, буни иқтисодий ишлаб чиқариш ва экспортнинг тузилиши, айниқса қишлоқ хўжалигида бандлик улуши тасдиқлайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги билан бирлаштирилган янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, шунингдек, янги қишлоқ хўжалиги қиймат занжирларини шакллантириш диверсификация стратегиясининг муҳим элементи бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш-бир хил миқдордаги ресурслардан кўпроқ маҳсулот олиш-озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш учун жуда муҳимдир. Қишлоқ хўжалик тизимларининг самарадорлигини ўлчаш учун Жами унумдорлик омиллари (ЖУО) дан фойдаланамиз.

ЖУО ни ҳисоблашда мавжуд формулалар, шу жумладан муаллифлик формуламизда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш майдони харажатлари капитал харажатлар таркибига киритилади. Бунга сабаб иккаласи ҳам экстенсив омил ҳисобланади. Аммо қишлоқ хўжалигида, хусусан Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқариш (экин)майдонини кенгайтириш капитал талаб қилмайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида экин майдонининг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажми, шунингдек ЖУО ўсишига тўғридан-тўғри таъсир қилади ва уларни ҳисоблашда алоҳида омил сифатида қатнашади.

Йуқоридагиларда келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ўзгарувчан бўлган ҳолатда Жами унумдорлик омиллари (ЖУО) ўсишини ҳисоблашда қуйидаги қуйидаги формула келиб чиқади:

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб  
чиқаришда экстенсив иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари<sup>142</sup>**

	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши	6,6	6,3	6,1	6,3	1,0	0,2	3,3
<u>Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари(минг гектарда)</u>	3658,6	3678,2	3694,2	3706,7	3474,5	3396,0	3309,4
<u>Қишлоқ хўжалиги экин майдонининг ўсиши</u>	0,8	0,5	0,4	0,3	-6,3	-2,3	-2,6
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд. Сўм	21068,0	27564,9	28681,7	36198,8	50046,5	-	-
Қишлоқ хўжалигига инвестициялар, млрд. сўм	1334,0	1447,9	1375,4	1646,4	2379,3	-	-
<u>Қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг ўсиши</u>	-	1,09	0,95	1,20	1,45	-	-
Қишлоқ хўжалигида иш билан банд аҳоли (минг кишида)	3402,1	3528,9	3601,7	3646,7	3671,3	3537,2	3544,6
<u>Ишчи кучининг ўсиши</u>	1,05	1,04	1,02	1,01	1,01	0,96	1,00

$$\Delta A = \Delta Y - \Delta K - \Delta L - \Delta F$$

Бу ерда,

$\Delta Y$  – ишлаб чиқаришнинг ўсиши

$\Delta K$  –капиталнинг ўсиши

<sup>142</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

$\Delta L$  – ишчи кучининг ўсиши

$\Delta A$ - Жами унумдорлик омиллари(ЖУО)нинг ўсиши

$\Delta F$ - экин майдонининг ўсиши (Field growth)

Юқоридаги янги эконометрик формула асосида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида жами унумдорлик омиллари (ЖУО)нинг ўсишини биринчилардан бўлиб мустақил ҳисоблаб чиқдик (3.8-3.9 жадвалларга қаранг).

Биз 3.8-жадвалда мавжуд экстенсив кўрсаткичлардан, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши, қишлоқ хўжалиги экин майдонининг ўсиши, қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг ўсиши, ишчи кучининг ўсиши кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда юқорида кўрсатилган формула орқали интенсив кўрсаткичлар улушини яъни Жами омиллар унумдорлигининг ўсиши(ЖУО)ни ҳисобладик. Сўнг Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини 100% деб, унинг қолган омилларга нисбатини ўсишдаги омилларнинг улушини ҳисоблаб чиқдик (3.9-жадвал).

Натижалар шуни кўрсатадики, 2017 йилга келиб, Қишлоқ хўжалиги экин майдонининг 6.3%га камайган, аммо тармоқда ишчи кучининг 1%га ўсиши, капиталнинг 1.4%га ўсиши ва энг катта улуш жами омиллар унумдорлигининг 4.9% га ўсиши ҳисобига Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишида пасайиш эмас, балки 1% ўсиш юз берган.

Янги иқтисодий модел иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларга бўлган ҳолда ҳисоблаш имконини яратади. Чунки "капитал", "меҳнат" экстенсив омиллар ҳисобланса, ЯОУ интенсив омиллар мажмуи ҳисобланади. Бу ўз ўрнида мамлакат иқтисодий ўсишида экстенсив ва интенсив омилларнинг улушини аниқлаш имконини яратади. Бизга маълумки ҳар бир мамлакат, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодий ўсишни таъминлашда интенсив омилларнинг улушини оширишга интилади.

Тавсия этилган 4-формула, яъни ялпи жами унумдорлик омиллари(ЯЖУО)нинг ўсишини ҳисоблаш формуласи бизга уни ЯИМ ўсиши кўрсаткичи орқали ҳисоблаш имконини яратади. ЯИМ ўсишини ҳисоблашнинг бошқа усуллари борлиги бизга қўл келади. Яъни мавжуд усуллар орқали ЯИМ ҳисобланади, сўнг эришилган натижа орқали ЯЖУО ҳисобланади. Бу ерда Ялпи Капиталнинг ўсиши ва Ялпи Ишчи кучи қийматининг ўсиши мавжуд классик усуллар ёрдамида ҳисобланади.

### 3.9-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари<sup>143</sup>

	2014		2015		2016		2017	
	ўсиш даражаси	ўзаро улуши (%да)	ўсиш даражаси	ўзаро улуши (%да)	ўсиш даражаси	ўзаро улуши (%да)	ўсиш даражаси	ўзаро улуши (%да)
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши	6,3	100,0	6,1	100,0	6,3	100,0	1,0	100,0
Қишлоқ хўжалиги экин майдонининг ўсиши	0,5	7,9	0,4	6,6	0,3	4,8	-6,3	-630,0
Қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг ўсиши	1,1	17,5	0,9	14,8	1,2	19,0	1,4	140,0
Ишчи кучининг ўсиши	1,0	15,9	1,0	16,4	1,0	15,9	1,0	100,0
Жами омиллар унумдорлигининг ўсиши(ЖУО)	3,6	57,1	3,7	60,7	3,8	60,3	4,9	490,0

Бугунги кунга қадар ушбу кўрсаткични макро кўламда аниқ ҳисоблаш имкони йўқ деб қаралган. Мавжуд усуллар макро кўламда аниқ натижа бермаслиги сабабли ривожланган давлатларда ушбу кўрсаткич ҳисоби яъни “ЯЖУОнинг ЯИМ ўсишидаги улуши” ҳисоби юритилмай келинмоқда. Биз

<sup>143</sup> Ҳар бири омилни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилди. Маълумотлар чекланганлиги сабабли 2013-2017 йиллар учунгина ЖУОнинг ўсишини ҳисоблашимкони бўлди.

томонимиздан ишлаб чиқилган янги усулга биноан бу кўрсаткични аниқ ҳисоблаш имкони юзага келади. Ушбу кўрсаткични нафақат мамлакатимиз миқёсида, ва балки хорижий давлатларда ҳам ҳисоблаш имконини юзага келтиради. Бу ўз навбатида макроиқтисодиёт фанида ўзбек олимларимизнинг чуқур из қолдиришига сабаб бўлишига ишонамиз.

### **3.3. § ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РИВОЖЛАНТИРИШНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияга хос объектив иқтисодий қонунлардан биридир. Бу қонун ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши туфайли жамият ёки халқ истеъмоли учун мўлжалланган турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ижтимоий зарур меҳнат сарфларини камайтиришда ўз ифодасини топади. Одамлар тажриба, билим тўплагани, табиат қонунларини кашф этгани, уларни ўзлаштиргани ва фойдалангани сари меҳнат унумдорлигининг изчил ўсиши кузатилмоқда.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши алоҳида корхоналар ва бутун жамият учун катта аҳамиятга эга эканлиги меҳнат унумдорлиги даражасига таъсир этувчи барча омилларни ўрганишни ва уни ошириш учун захираларни очишни зарур қилиб қўяди.

Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ёки учинчи жаҳон мамлакатлари гуруҳига кирмайди, шунинг учун бу мамлакатлар гуруҳларининг ўзига хос инновацион масалаларига қўшилмайди.

Инновациялар нафақат юқори технологияли соҳаларда (биотехнология, нанотехнология, АТ), балки паст технологияли соҳаларда (тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги) ҳам мумкин.

Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар учун интеллектуал аутсорсинг компаниясига айланиб бормоқда. Инновация соҳасини ривожлантиришнинг

бу йўли билан боғлиқ муаммо шундаки, иқтисодий самара мамлакат ичида эмас, хорижда бўлади. Саноатни амалга оширмасдан технологияларни (патентларни) ишлаб чиқиш истиқболсиздир, чунки чет элликлар Ўзбекистон патентлари ўрнига ўзбек олимларини сотиб олишга қатъий қарор қилишади.

Мамлакат инновацион модели муваффақиятининг энг муҳим кўрсаткичи инновация бозорининг ҳажми ҳисобланади. Бу кўрсаткич бўйича ягона етакчи АҚШ ҳисобланади. Исроил, Франция, Ҳиндистон мамлакатларида ҳам бу кўрсаткич анча яхши. Лекин АҚШ янгиликни тўлиқ циклда қўллаш бўйича барча мамлакатларга ўрнатилган бўла олади. Ўзаро тажриба алмашишда ҳамкорликни максималлаштириш, инвестиция технологияларини қабул қилиш, бозор таҳлилини билиш ва инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш циклини ташкил этувчи бошқа барча соҳалар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланаётган мамлакатларда инновацион иқтисодиётларнинг жадал ўсиши, биринчи навбатда, кўп миллатли (транснационал) компаниялар билан кооперация алоқаларини ўрнатишга боғлиқ.

Ўзбекистон учун аввало, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Корея, Япония, Сингапур, Малайзия, Таиланд ва Филиппин) тажрибаси бу борада фойдалидир.


Глобал кўп миллатли (транснационал) компанияларнинг ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган компонентларнинг юқори сифатини таъминлашга интилиши уларни илғор технологиялар, корпоратив маданият, таълим ва бошқа инновацион ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаган. Афсуски, мавжуд статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳали аслида жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш занжирларида иштирок этмайди.

Миллий инновация соҳасининг жаҳон иқтисодиётига яқин интеграциялашуви Ўзбекистон янгиликларига бўлган талабнинг асосан хорижий компаниялар томонидан шакллантирилишига ва хорижий

мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати билан мослашувига олиб келади. Ўзбекистон учун рақобат жуда юқори бўлган мавжуд бозорларга боришдан кўра, янги бозорларни яратиш муҳимдир. Ўзбекистон инновацион технологияларни кенг миқёсда, ривожланган мамлакатлардан бир қадам олдинда жорий этишга интилиши керак.

Ижтимоий муаммолар, масалан, даромад етишмовчилиги, кашшоқликнинг юқори даражаси, тўй-ҳашамларда ортиқча харажатлар ва катта углерод капитали бўлган мамлакатлар учун ЯИМ, бу деградацияни яширадиган мутлақо виртуал нарсаларни намойиш этади. Бир неча ой олдин Германиялик тадқиқотчилар Стиглитз ва Сеине томонидан иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётни ўлчаш тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинди. ЯИМ атроф-муҳитнинг ўзгариши ёки барқарорликни ҳисобга олмайди. Ялпи ички маҳсулотга бўлган эътибор қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради: улар сиёсий раҳбарлардан максимал даражада ўсишни талаб қилмоқдалар ва фуқаролар хавфсизликни талаб қилмоқдалар, сув ва ҳавонинг ифлосланишини камайтирадилар, шовқинни камайтирадилар ва бу ЯИМнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу учун, ЯИМ жуда кўп давлатлар қаторида Ўзбекистон учун ҳам зарарли кўрсаткичдир.

Биз тадқиқотларимиз натижасида Ўзбекистонда интенсив ўсишни ошириш механизмини ишлаб чиқдик (3.3.1-расмга қаранг).



### 3.3.1-расм. Ўзбекистонда интенсив ўсишни ошириш механизми<sup>144</sup>

Ушбу чизма орқали биз Ўзбекистонда интенсив ўсишни оширишнинг механизми харитасини туздик. Ушбу 10 гуруҳ омилларни ривожлантиришга эришилса, шунда мамлакатда иқтисодий ўсишда экстенсив омилларга нисбатан интенсив омилларнинг устунлигида эришиш мумкин. Бу ўз навбатида БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришидаги катта қадам бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда интенсив ўсишни ошириш механизмини амалга оширишда, махсус давлат дастури ва йўл харитаси ишлаб чиқишда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

- инновацион иқтисодиётга ўтишга халақит берадиган яна бир омил — бу ҳолис, нодавлат институтларнинг ривожланмаганлиги ва республикада илм-фан ва янги технологияларни етарли даражада молиялаштирмасликдир.

<sup>144</sup> Муаллиф ишланмаси



Шу сабабли тадқиқот харажатларининг ЯИИМдаги улушини 3%гача ошириш;

- барқарор иқтисодий ўсиш даражаси ва сифатини оширишда давлат томонидан янада рағбатлантириш, қўллаб қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, хусусан, корхоналар фойдасининг интенсив ўсиш (корхонанинг модернизацияси, ишчиларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш унумдорлиги)га йўналтирилаётган қисмини фойда солиғидан озод қилиш;

- иш унумдорлигининг ошиши иш ўринларининг қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Биз бу рискнинг ечими сифатида иш соатларини қисқартиришни, маданий соҳаларда янги иш ўринлари яратилиши. Бу яшаш учун энг қулай шаҳарлар индексида доимий етакчи - Скандинавия давлатлари мисолида ўз исботини топган;

- коррупцияни қисқартириш учун рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланган ҳолда муносабатларда юзма-юз кўришишни, контактни узишни ривожлантириш учун сарфланадиган маблағларни ҳажмини жами интенсив инвестицияларга нисбатини 15.24% гача ошириш ва мақсадли сарфлаш зарур. Аҳоли даромади ва савиясини ошириш, диний томондан ҳам коррупцияни таъқиқланишини (ҳаромлигини) оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш;

- қонун устуворлигини янада ошириш учун жамоат назоратини кучайтириш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, хусусан жамоат тартибининг, қонунлар бузилаётганлигидан (ўғрилиқ, пичоқбозлик, гиёҳвандлик, қиморбозлик ва ҳоказо) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабардор қилганлиги (фото, видеофиксация, тел...) учун айбдорлардан ундирилган жариманинг 5% миқдоридан рағбатлантириш;

- Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари, жумладан қуёш электро станцияларидан фойдаланишни, ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида айни йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари учун давлат томонидан

рағбатлантиришларни такомиллаштириш , хусусан даромад солиғидан 50% чегирма бериш;

- Давлат бошқарув сифатини ошириш тавсия этилади. Бунинг учун бир неча давлат ташкилотларида бир хил функцияларни қисқартириб, ташкилотларда масъуллиқни яғоналаштириш ҳисобига давлат бошқарув сифатини яхшилаш зарур. Давлат хизматлари агентликларида барча давлат идоралари хизматларини жорий этиш ва коррупцияни қисқартириш мақсадида 100% рақамлаштириш;

- Бундан ташқари фаолият тури яқин бўлган давлат ташкилотларини бирлаштириш (Мисол учун: Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги марказий аппарати). Бу бюджет маблағларини тежалиши ва давлат бошқаруви сифатини ошиши билан изоҳланади;

- Бозор иқтисодиёти учун қулай шароитни яхшилаш учун рақобатни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш яъни давлатнинг иқтисодиётга (бизнесга) аралашувини қисқартириш тавсия этилади. Давлат улуши бўлган корхоналарни приватизациялаштиришни (хусусийлаштириш) янада ошириш, хусусан Ўзавтосаноат бирлашмасига қарашли барча корхоналарни хусусийлаштириш. Ижтимоий тармоқлар: транспорт линиялари, коммунал хизматлар бундан мустасно;

- Мамлакатда инфраструктуранинг интенсив иқтисодий ўсишдаги таъсирини инобатга олиб, янги йўллар қуришга ажратилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш керак. Хорижий ривожланган давлатлардаги инновацион жамоат транспортларини хусусан ҳаво темир йўлларини Тошкентга жорий этиш;

- Аҳоли малақаси интенсив иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини инобатга олиб, Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида талабалар қамровини 100%гача ошириш;

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш шартлари ва омиллари кўрсаткичларини жаҳон мезонлари билан таққослаш (3.2.1-жадвал)

қуйидагича хулоса қилишга имкон беради: инновацион иқтисодиётга ўтишга халақит берадиган асосий омиллар — бу институтларнинг ривожланмаганлиги ва республикада илм-фан ва янги технологияларни этарли даражада молиялаштирмаслик<sup>145</sup>.

- адолатли рақобатнинг кучайиши, барча турдаги танловлар, инновацион ярмаркаларни ўтказиш, йирик корпорациялар томонидан инновацион ривожланишнинг узок муддатли режаларини ишлаб чиқиш ва бошқалар орқали товар ва хизматлар учун рақобатдош бозорларни шакллантириш шароитида пайдо бўладиган инновацион фаолликни ошириш учун рағбатлантириш;

- кредит ва инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш. Жаҳон тараққиёти статистикасининг эконометрик таҳлили шуни кўрсатдики, фан ва технологияларга инвестицияларнинг кўпайиши, илмий-тадқиқот соҳасида иш олиб борадиган тадқиқотчилар ва техник ходимларнинг малакасини ошириш, жами омиллар маҳсулдорлигини (ТФП) автоматик равишда оширишга олиб келмайди. Бу фақат мамлакат муассасалари сифат кўрсаткичи белгиланган 10 баллик шкала бўйича белгиланган 5,0 чегара қийматидан ошиб кетадиган шароитда мумкин.

- ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш ва ривожлантириш. Бироқ, бу жараён узок давом этади ва мамлакатларнинг мавжуд таққослама афзалликларига асосланиб, пухта режалаштирилган босқичларда амалга оширилиши керак. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги уларнинг иқтисодиётида муҳим ўрин тутди, буни иқтисодий ишлаб чиқариш ва экспортнинг тузилиши, айниқса қишлоқ хўжалигида бандлик улуши тасдиқлайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги билан бирлаштирилган янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, шунингдек, янги қишлоқ хўжалиги қиймат

---

<sup>145</sup> Ҳамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда иқтисодий узиш курсаткичлари таҳлили, Худудларни ривожлантиришни стратегик режалаштириш: Халқаро тажриба, услублар ва истикболлар илмий мақолалар тўплами, Тошкент-2019

занжирларини шакллантириш диверсификация стратегиясининг муҳим элементи бўлиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш сифати ижтимоий барқарорлик билан бирга, экологик барқарорликни таъминловчи омиллар самарадорлигини ҳам ўз ичига олади ва улар барқарор ўсиш сифати ошишига мультипликатив таъсир қилади. Ўсиш сифатининг кўп омилли эканлигини инобатга олиб, ушбу омилларнинг соҳа ва тармоқлар кесимида натижавий жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш.

Иқтисодий ўсиш омилларидан фойдаланиш ҳолати ва унинг ижтимоий оқибатларини ўрганиш учун барқарор ўсиш сифатининг омилли ва натижавий жиҳатларини тадқиқ қилиш зарур. Мазкур тадқиқот жараёни иқтисодий ўсиш сифатининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларини ифодаловчи мезонларни комплекс ҳолда ўз ичига олади.

Иқтисодий ўсиш сифатининг концептуал асослари ва мантиқий схемасининг кўрсатишича, иқтисодий ўсиш самарадорлиги унинг барқарорлиги ва сифатини оширишнинг асосини ташкил қилмоқда. Бу, иқтисодий ўсиш сифатини миқдор, самарадорлик ва ижтимоийлик асосида баҳолаш моделларидан фойдаланишни талаб этади. Миқдорий ёндашувда барқарор ўсиш, самарадорлик замирида меҳнат унумдорлиги, ижтимоий жиҳатларда эса барқарор ўсиш ва самарадорлик омиллари бўйича моделлар қўлланилди.

Ўзбекистонда меҳнат, капитал ва ялпи омиллар унумдорлигининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссалари аниқланди. Натижада ялпи омиллар унумдорлигининг ижобий жиҳатлари инвестициялар ўзгаришига мутаносиблиги асосланди. Шунингдек, иқтисодиётда капитал интенсивлик, капитал қайтими, капитал сиғими каби самарадорлик мезонлари ҳам инвестициялар даражасининг иқтисодий ўсишдан юқори даврларида ижобий ўзгаришларни ифодалаганлиги аниқланди. Меҳнат ресурслари юқори ўсишга эга Ўзбекистонда инвестициялар даражасини иқтисодий ўсишдан юқори

ҳолатини сақлаш самарадорлик ошишини таъминлайди.

Мамлакат иқтисодиётидаги саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизматлар соҳалари меҳнат ва капитал омиллари асосида солиштирма тадқиқ қилинди. Уларнинг ЯИМдаги улуши билан иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссалари эконометрик усулда таҳлил этилганда саноат ҳамда хизматлар соҳаси етакчи эканлиги аниқланди. Бу ҳол, мазкур соҳаларда иш билан бандларнинг малака даражаси ҳамда киритилган хорижий инвестицияларнинг юқорилиги билан асосланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш барқарорлиги ва сифатини оширишга меҳнат унумдорлиги даражаси кучли таъсир қилмоқда. Меҳнат унумдорлигининг соҳа ва тармоқлардаги ҳолати баҳоланганда, капитал интенсивлик меҳнат омили самарадорлигининг ижобий ўзгаришини таъминламоқда. Бунда инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида янги корхоналарни барпо этишга ҳамда технологик таркибида асбоб-ускуналарга йўналтирилган улушини оширишга эътибор бериш зарур.

Ўзбекистонда хорижий, миллий, давлат ва нодавлат секторларининг иқтисодий ўсишга таъсирлари омилли ҳамда натижавий жиҳатлари бўйича тизимли тадқиқ этилди. Натижада, хорижий секторнинг самарадорлик асосида қўшган улуши миллий секторга нисбатан юқори ҳамда хусусий секторнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси ва самарадорлик жиҳатлари давлат секторидан юқори эканлиги аниқланди. Яъни, хорижий ва хусусий секторлар самарадорлик жиҳатларининг нисбий устунликлари капитал даражаси ва меҳнат малакасига боғлиқлиги очиб берилди.

Ишлаб чиқилган «Кичик бизнес ривожланишининг интеграл кўрсаткичлар орқали аниқлаш услублари» асосида мамлакатда мазкур соҳанинг ҳолати баҳоланади. Бунда кичик бизнеснинг экспортдаги улушини ошириш унинг ривожланиш даражасини белгилайди. Йирик бизнесда капитал интенсивлик юқорилиги ҳисобига меҳнат омилидан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлса, кичик бизнесда капитал қайтими юқори бўлиб,

мазкур соҳага йўналтирилган банк кредитларини кенгайтириш барқарор ўсиш сифатининг ошишини таъминлайди.

Барқарор иқтисодий ўсиш даражаси ва сифатини оширишда давлат томонидан янада рағбатлантириш, қўллаб қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, хусусан, корхоналар фойдасининг интенсив ўсиш (корхонанинг модернизацияси, ишчиларнинг малакисини ошириш, ишлаб чиқариш унумдорлиги)га йўналтирилаётган қисмини фойда солиғидан озод қилиш.

Иш унумдорлигининг ошиши иш ўринларининг қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Биз бу рискнинг ечими сифатида иш соатларини қисқартиришни, маданий соҳаларда янги иш ўринлари яратилишини таклиф этамиз. Бу яшаш учун энг қулай шаҳарлар индексида доимий етакчи - Скандинавия давлатлари мисолида ўз исботини топган.

Коррупцияни қисқартириш учун рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланган ҳолда муносабатларда юзма-юз кўришишни, контактни узишни ривожлантириш учун сарфланаятган маблағларни ҳажмини жами интенсив инвестицияларга нисбатини 15.24% гача ошириш ва мақсадли сарфлаш зарур. Аҳоли даромади ва савиясини ошириш, диний томондан ҳам коррупцияни таъқиқланишини (ҳаромлигини) оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишни таклиф этамиз.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари, жумладан куёш электро станцияларидан фойдаланишни, ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида айни йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари учун давлат томонидан рағбатлантиришларни такомиллаштириш , хусусан даромад солиғидан 50% чегирма бериш.

Давлат бошқарув сифатини ошириш тавсия этилади. Бунинг учун бир неча давлат ташкилотларида бир хил функцияларни қисқартириб, ташкилотларда масъуликни ягоналаштириш ҳисобига давлат бошқарув сифатини яхшилаш зарур. Давлат хизматлари агентликларида барча давлат

идоралари хизматларини жорий этиш ва коррупцияни қисқартириш мақсадида 100% рақамлаштириш.

Бундан ташқари фаолият тури яқин бўлган давлат ташкилотларини бирлаштиришни таклиф этамиз (Мисол учун: Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги марказий аппарати). Бу бюджет маблағларини тежалиши ва давлат бошқаруви сифатини ошиши билан изоҳланади.

Бозор иқтисодиёти учун қулай шароитни яхшилаш учун рақобатни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш яъни давлатнинг иқтисодиётга (бизнесга) аралашувини қисқартириш тавсия этилади. Давлат улуши бўлган корхоналарни приватизациялаштиришни (хусусийлаштириш) янада ошириш, хусусан Узавтосаноат бирлашмасига қаршли барча корхоналарни хусусийлаштириш тавсия этилади. Ижтимоий тармоқлар: транспорт линиялари, коммунал хизматлар бундан мустасно.

Мамлакатда инфраструктуранинг интенсив иқтисодий ўсишдаги таъсирини инобатга олиб, янги йўллар қуришга ажратилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш керак. Хорижий ривожланган давлатлардаги инновацион жамоат транспортларини хусусан ҳаво темир йўлларини Тошкентга жорий этиш.

Аҳоли малакаси интенсив иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини инобатга олиб, Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида талабалар қамровини 100%гача ошириш керак.

Инвестицияларни интенсив ва экстенсивга ажратган ҳолда тақсимлашни йўлга қўйишни ва шу билан интенсив инвестициялар нисбатини экстенсив инвестициялар нисбатига кўра босқичма-босқич ошириб бориш.

Ишчиларнинг корхоналарда кўп йиллар меҳнат қилиш истагини, корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш учун Ўзбекистон тижорат банкларидаги тажрибадан келиб чиқиб уларга йил охирида 13-ойлик тизимини ва ҳар йиллик иш стажига ойлик окладининг 10% миқдорида йиллик рағбатлантириш.

Ақсиядорлик жамиятларида хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, ишчиларнинг корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида ишлаб турган корхонанинг қимматли қоғозлари – ақсияларнинг бир қисмини ишчи ходимларга имтиёзли, фоизсиз муддатли тўловга сотиш тизимини жорий этиш.

Таклиф этилаётган иқтисодий ўсишни ҳисоблаш модели (усули) иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларга бўлган ҳолда ҳисоблаш имконини яратади. Чунки "капитал", "меҳнат" экстенсив омиллар ҳисобланса, ЯОУ интенсив омиллар мажмуи ҳисобланади. Бу ўз ўрнида мамлакат иқтисодий ўсишида экстенсив ва интенсив омилларнинг улушини аниқлаш имконини яратади. Бизга маълумки ҳар бир мамлакат, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодий ўсишни таъминлашда интенсив омилларнинг улушини оширишга интилади. Бу ўз навбатида, ўсишга салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаб, уни бартараф этиш имконини яратади.

Биз тавсия этган 4-формула, яъни ялпи жами унумдорлик омиллари(ЯЖУО)нинг ўсишини ҳисоблаш формуласи бизга уни ЯИМ ўсиши кўрсаткичи орқали ҳисоблаш имконини яратади. ЯИМ ўсишини ҳисоблашнинг бошқа усуллари борлиги бизга қўл келади. Яъни мавжуд усуллар орқали ЯИМ ҳисобланади, сўнг эришилган натижа орқали ЯЖУО ҳисобланади. Бу ерда Ялпи Капиталнинг ўсиши ва Ялпи Ишчи кучи қийматининг ўсиши мавжуд классик усуллар ёрдамида ҳисобланади.

Мавжуд усуллар макро кўламда аниқ натижа бермаслиги сабабли ривожланган давлатларда ушбу кўрсаткич ҳисоби яъни “ЯЖУОнинг ЯИМ ўсишидаги улуши” ҳисоби юритилмай келинмоқда. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган янги усулга биноан бу кўрсаткични аниқ ҳисоблаш имкони юзага келади. Ушбу кўрсаткични нафақат мамлакатимиз миқёсида, ва балки хорижий давлатларда ҳам ҳисоблаш имконини юзага келтиради.

Бугунги кунда кўплаб корхоналар учун ўсиш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Корхонанинг ўсиши кўплаб қийинчиликлар билан боғлиқ



бўлиб, уни ҳал қилиш учун унга таъсир қилувчи кўплаб омилларни баҳолаш керак. Шундай қилиб, бу соҳада иккита масала мавжуд.

Биринчиси - компаниянинг ўсишини тавсифловчи кўрсаткични танлаш билан боғлиқ. Биз унумдорлик, жами омиллар унумдорлиги, капитал унумдорлиги, ҳар бир корхонада меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини ҳисобини юритиш.

Иккинчиси - ўсишга барқарор таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омилларни танлаш. Бу тадқиқот натижаларимизга кўра қуйидаги барқарор ривожлантиришнинг интенсив омилларининг аҳамиятини оширишни таклиф этамиз:

Корхонанинг барқарор ўсишига молиявий ва молиявий бўлмаган омилларнинг таъсири таркиби ва даражаси бошқача эканлиги исботланган. Йирик компаниялар учун молиялаштириш таркиби унчалик катта бўлмаган омил ҳисобланади. Шунинг учун бизнеснинг қандай ресурслар билан ўсиб бориши муҳим эмас. Стратегик жиҳатдан барқарор ўсишга мустақил аъзоларнинг мавжудлиги, холис аудиторлик текшируви хулосалари ижобий таъсир кўрсатади. Узоқ муддатли активларга инвестициялар компаниянинг барқарор ўсишининг аҳамиятини маълум вақт кечикишига олиб келади.

Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишчида стресслар, моддий ва бошқа муаммолар бўлмаслиги керак, қулай иш шароити, турли хил ижобий рағбатлантиришлар, қулай ижтимоий пакетлар бўлиши керак. Мисол учун Японияда унумдорлиги юқори корхоналарда ишчиларнинг болаларига мактабгача таълим муассалари тўлови қоплаб берилади ҳаттоки баъзиларида корхона яқинида ишчилар болалари учун махсус боғчалар ташкил қилиниб, ишчиларнинг бежавотир, унумдор ишлаб, иш вақти тугагандан сўнг йўл-йўлакай болаларини олиб уйга кетишига имкониятлар яратилган. Бизда бу амалиёт фақатгина мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида жорий этилган бўлиб иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам жорий этиш тавсия этилади. Сабаби, бизда аксарият

мактабгача таълим муассасалар соат 17-00 га қадар фаолият юритади ва ишчи ходимлар, асосан аёлларнинг иш вақти тугашидан 1-2 соат олдин болаларни боғчадан олиш учун иш жойини тарк этишга мажбур бўлишади. Бу эса ўз навбатида реал иш вақтининг қисқаришига ва меҳнат унумдорлигини пасайишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ходимларга соатбай эмас ишбай иш ҳақини тўлаш тизимини босқичма босқич жорий этиш зарур. Бу иш унумдорлигини оширишга ва боқимандаликни йўқотишга сабаб бўлади.

Ишчиларнинг корхоналарда кўп йиллар меҳнат қилиш истагини, корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш учун уларга ҳар йиллик тажрибасига мутаносиб равишда қўшимча рағбатлантиришлар жорий этиш зарур.

Ақсиядорлик жамиятларида хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, ишчиларнинг корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида ишлаб турган корхонанинг қимматли қоғозлари – ақсияларнинг бир қисмини ишчи ходимларга сотиш тизимини жорий этиш.

“Барқарор ривожланиш” ва “барқарор ўсиш” иқтисодий атамаларида, “барқарор” сўзи икки хил маънони англатаётганлиги инобатга олиниб, уларнинг иккинчи маъноси (стабильный)га мос келувчи янги “ “мўтадил ривожланиш” ва “мўтадил ўсиш” иқтисодий атамаларидан амалиётда фойдаланиш.

Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайтини яратиш ва унда Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича йиллик тўпламларни ўзбек, жойлаштириш.

“Total factor productivity” халқаро иқтисодий кўрсаткичини Ўзбекистонда “Жами унумдорлик омиллари” (ЖУО) деб амалиётга жорий этиш ва кенг фойдаланиш.

“Жами унумдорлик омиллари” (ЖУО) кўрсаткичини мамлакат миқёсида фойдаланилганда инглиз тилида “Gross Total Factor Productivity (GTFP)” деб,

ва ўзбек тилида “Ялпи жами унумдорлик омиллари(ЯЖУО)” деб фойдаланиш.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларда Жами унумдорлик омиллари (Total factor productivity) иқтисодий кўрсаткичининг долзарблиги инобатга олиниб ундан фаол фойдаланиш ва улушини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсишида жами унумдорлик омилларини кейинги йиллар учун ҳисоблашга керак бўладиган барча кўрсаткичлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши, қишлоқ хўжалиги экин майдонининг ўсиши, қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг, инвестициялар ўсиши, ишчи кучининг ўсиши) ҳисобини юритиш ва бошқа иқтисодий тармоқларда ҳам йўлга қўйиш.

Корхоналар фойдасининг интенсив ўсиш (корхонанинг модернизацияси, ишчиларнинг малакисини ошириш, ишлаб чиқариш унумдорлиги)га йўналтирилаётган қисмини фойда солиғидан озод қилишни.

Иш унумдорлигининг ошиши иш ўринларининг қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Биз бу рискнинг ечими сифатида иш соатларини қисқартиришни, маданий соҳаларда янги иш ўринлари яратилишини таклиф этамиз. Бу яшаша учун энг қулай шаҳарлар индексида доимий етакчи - Скандинавия давлатлари мисолида ўз исботини топган.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган Ўзбекистонда Интенсив ўсиш омилларининг чизиқли боғлиқлик тенгламаси, шунингдек омилларнинг ўзаро боғлиқлик корреляцион кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда келгуси давлат дастурларини ишлаб чиқиш.

Интенсив инвестицияларнинг улушини экстенсив инвестицияларга нисбатан босқичма-босқич ошириб бориш.

Ақсиядорлик жамиятларида хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, ишчиларнинг корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида

ишлаб турган корхонанинг қимматли қоғозлари – аксияларнинг бир қисмини ишчи ходимларга сотиш тизимини жорий этиш.

Иқтисодий ўсиш ишчи кучининг малака ва кўникмасига чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш билан бир қаторда ишчи кучининг малакасини ҳам ошириб бориш зарур. Бунда биринчи навбатда мамлакатимизда таълим сифатини ошириш; иккинчидан, мутахассисларимизни хорижий нуфузли таълим муассасаларига ўқитиш, малака ошириш ва стажировка ўташларини фаоллаштиришни тавсия этамиз. Бу йўналиш инсон капиталига катта инвестицияни йўналтиришни талаб қилади, аммо юқори суръатларда интенсив иқтисодий ўсишга сабаб бўлади. Ушбу йўналишларни молиялаштирувчи давлатимизнинг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари сонини янада ошириш.

### **3-боб бўйича хулоса**

Диссертация иши давомида учинчи боб юзасидан қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Жадал иқтисодий ўсишни ифодаловчи “Ялпи унумдорлик омиллари” кўрсаткичини ҳисоблашнинг усули такомиллаштирилган. Бунда ушбу кўрсаткични макро ва микро кўламда осонроқ ҳисоблаш учун муаллифлик усули ишлаб чиқилди.

2. Жадал иқтисодий ўсишни ифодаловчи “Ялпи унумдорлик омиллари” кўрсаткичини ҳисоблашдаги қийинчиликларни инобатга олиб, унинг ўрнини босувчи яъни жадал иқтисодий ўсишни ифодаловчи муаллифлик кўрсаткичи ишлаб чиқилди.

3. Мамлакатимизда жадал иқтисодий ўсишни ошириш бўйича механизм ишлаб чиқилди. Бунда, жадал иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар аниқланди, иқтисодиётнинг реал секторига интенсив иқтисодий ўсиш омилларини аҳамиятини ошириш, рағбатлантириш йўллари ишлаб чиқилди.

## ХУЛОСА

Ўтказилган илмий изланишлар ва таҳлиллар тадқиқот ишимиз учун қуйидаги хулосаларни шакллантиришга сабаб бўлди:

1. Жадал иқтисодий ўсишни таъминлашда макроиқтисодий стратегиялар, жаҳон тажрибаси ўрганилди ва Ўзбекистон бўйича солиштирма таҳлил қилиш асосида хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

2. Жадал иқтисодий ўсишни таъминлашда қайси омилларга эътибор қаратишдан кераклиги аниқланди, макродаражада жадал иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар таркибини аниқлашга бўлган ёндашув такомиллаштирилди;

3. Барқарор иқтисодий ўсиш сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими шакллантирилди, уларни баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди. Бунда, жадал иқтисодий ўсишни ифодаловчи “Ялпи унумдорлик омиллари” кўрсаткичини ҳисоблашнинг усули такомиллаштирилди ( $\Delta Y = \Delta A + \Delta K + \Delta L$ ).

4. Ўзбекистонда Ялпи унумдорлик омилларининг чизикли регрессион модели ишлаб чиқилди ва келгуси 5 йиллик учун прогноз кўрсаткичлар ҳисобланди;

5. Интенсив иқтисодий ўсишни ифодаловчи муаллифлик кўрсаткичи ишлаб чиқилди ( $Q = \sqrt[9]{(x_1 x_2 x_3 x_4 x_5 x_6 x_7 x_8 x_9)}$ ) ва унинг мавжуд Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичига юқори корреляцион боғлиқлиги, ўхшашлиги аниқланди;

6. Барқарор иқтисодий ўсиш даражаси ва сифатини оширишда давлат томонидан янада рағбатлантириш, қўллаб қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари, жумладан қуёш электро станцияларидан фойдаланишни, ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида айти йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари учун даромад солиғидан 50% чегирма бериш таклифи, Қонун устуворлигини янада

ошириш учун жамоат назоратини кучайтириш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, хусусан жамоат тартибини, қонунлар бузилаётганлигидан (ўғрилик, пичоқбозлик, гиёҳвандлик, қиморбозлик ва хоказо) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабардор қилганлиги (фото, видеофиксация, телефон қўнғироғи) учун айбдорлардан ундирилган жариманинг 5% миқдорида рағбатлантириш таклифлари ишлаб чиқилди.

7. Мамлакатимизда жадал иқтисодий ўсишни ошириш бўйича механизм ишлаб чиқилди. Бунда, жадал иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларнинг боғлиқлик схемаси ва давлат дастури лойиҳаси учун таклифлар ишлаб чиқилди. Мисол учун, коррупцияни қисқартириш учун рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланган ҳолда муносабатларда юзма-юз кўришишни, контактни узишни ривожлантириш учун сарфланаятган маблағларни ҳажмини жами интенсив инвестицияларга нисбатини ошириш шунингдек, диний томондан ҳам коррупцияни таъқиқланишини (ҳаромлигини) оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш таклифи, шунингдек, Давлат бошқарув сифатини ошириш ва коррупцияни қисқартириш учун Давлат хизматлари агентликларида барча давлат идоралари хизматларини жорий этиш ва коррупцияни қисқартириш мақсадида тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги асосланди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- корхоналар фойдасининг интенсив ўсиш (корхонанинг модернизацияси, ишчиларнинг малакисини ошириш, ишлаб чиқариш унумдорлиги)га йўналтирилаётган қисмини фойда солиғидан озод қилиш;

- иш унумдорлигининг ошиши иш ўринларининг қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Бу рискнинг ечими сифатида иш соатларини қисқартириш, шунингдек, маданий соҳаларда янги иш ўринлари яратиш;

- тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган Ўзбекистонда жадал ўсиш омилларининг чизиқли боғлиқлик тенгламаси, шунингдек омилларнинг ўзаро

боғлиқлик корреляцион кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда келгуси давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

- интенсив инвестицияларнинг улушини экстенсив инвестицияларга нисбатан босқичма-босқич ошириб бориш;

- аксиядорлик жамиятларида хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, ишчиларнинг корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида ишлаб турган корхонанинг қимматли қоғозлари – аксияларнинг бир қисмини ишчи ходимларга сотиш тизимини жорий этиш;

- иқтисодий ўсиш ишчи кучининг малака ва кўникмасига чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш билан бир қаторда ишчи кучининг малакасини ҳам ошириб бориш зарур. Бунда биринчи навбатда мамлакатимизда таълим сифатини ошириш; иккинчидан, мутахассисларимизни хорижий нуфузли таълим муассасаларига ўқитиш, малака ошириш ва стажировка ўташларини фаоллаштириш, ушбу йўналишларни молиялаштирувчи давлатимизнинг мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари умумий сонини йилига 1000 нафаргача ошириш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 сентябрдаги Сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши. <https://president.uz/uz/lists/view/3839>

6. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” №841 сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4013356>

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020



— 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тугрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

## **II. Монографиялар, илмий мақолалар, патентлар, илмий тўпламлар:**

9. Barro R. J. Economic Growth / R. J. Barro, X. Sala-i-Martin. - Cambridge : MIT Press, 2004. - 654 p.

10. Bing Zhou, Xiaoyan Zeng, Lu Jiang, Bing Xue. High-quality Economic Growth under the Influence of Technological Innovation Preference in China: A Numerical Simulation from the Government Financial Perspective. Structural Change and Economic Dynamics. Volume 54, September 2020, Pages 163-172

11. C.Aoyagi, G.Ganelli. Asia’s Quest for Inclusive Growth Revisited. 2015

12. Charles I. Jones. Introduction to economic growth/I.J. Charles. Stanford University. 1997. -200p

13. Charnes A. Measuring the Efficiency of Decision Making Units / A. Charnes, W. W. Cooper, E. Rhodes // European Journal of Operational Research. - 1978. - № 2.P. 429-444.

14. Denison E. F. The Sources of Economic Growth in the United States and the Alternatives Before Us / E. F. Denison. - New York : Committee for Economic Development, 1962. - 308 p.

15. Diewert E. The Challenge of Total Factor Productivity Measurement / E. Diewert // International Productivity Monitor. - 2000. - № 1. - P. 45-52.

16. E.Korso. Inclusive growth analysis and HRV: a methodological note. 2011 //<http://siteresources.worldbank.org/INTDEBTDEPT/Resources/468980-1316457581843/TPIGandHRV.pdf>;

17. K.Sen. Inclusive Growth: When May We Expect It? When May We Not?  
[https://openaccess.adb.org/bitstream/handle/11540/4104/Volume%2031\\_No%201\\_2014\\_05.pdf?sequence=1](https://openaccess.adb.org/bitstream/handle/11540/4104/Volume%2031_No%201_2014_05.pdf?sequence=1);

18. Kendrick J. W. Productivity Trends in the United States / J. W. Kendrick.  
- Princeton : Princeton University Press, 1961. - 630 p.

19. Khamdamov Sh. Analysis of factors of intensive economic growth in Uzbekistan. JournalNX. Volume 7. Issue 12. Pg.301-305 India-2021 (№2 Journal Impact factor).

20. Khamdamov Sh. Calculating share of factors of intensive economic growths in Uzbekistan. First International workshop on communication management, soft computing and digital economy Proceedings Full papers. Pg.282-288. 15-16 december. Dubai -2021. (№3 Scopus).

21. Khamdamov Sh. Analysis of International Indicators of Innovative Development and Inclusive Growth in the Republic of Uzbekistan/19th RSEP International Economics, Finance & Business Conference Proceedings Full papers. Pg.282-288. 2020 Prague, Czechia

22. Khamdamov Sh. Analysis of International Indicators of Innovative Development and Inclusive Growth in the Republic of Uzbekistan. 19th RSEP International Economics, Finance & Business Conference Proceedings Abstracts. Pg. 22-23. 2020 Prague, Czechia

23. Khamdamov Sh. Analysis of the history of economic growth and its prospects/ Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари: тенденциялар, ўсиш захиралари ва стратегиялари илмий мақолалар тўплами. ТДИУ ҳузуридаги ИТМ. Тошкент, 2019.

24. Khamdamov Sh. Analysis of the state of the green economy in Uzbekistan/ “Innovation in economics”. Toshkent-2020. Pg107-114

25. Khamdamov Sh. Indicators and Conditions for Sustainable Development. 13<sup>th</sup> RSEP International Conference on Business, Economics & Finance, Istanbul, Turkey, 2019.

26. Obaidullah Jan, ACA, CFA Mar 14, 2019.  
<https://xplained.com/649939/cobb-douglas-production-function>
27. Olley S. G. The Dynamics of Productivity in the Telecommunications Equipment Industry / S. G. Olley, A. Pakes // *Econometrica*. - 1996. - № 64. - P. 1263-1297.
28. P.Vellala, M.Madala, U.Chhattachopadhyay. A Theoretical Model for Inclusive Economic Growth in Indian Context // [http://www.ijhssnet.com/journals/Vol\\_4\\_No\\_13\\_November\\_2014/27.pdf](http://www.ijhssnet.com/journals/Vol_4_No_13_November_2014/27.pdf);
29. R.Anand, S.Mishra, and S.Peiris. Inclusive Growth: Measurement and Determinants. 2013, International Monetary Fund  
[//https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2013/wp13135.pdf](https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2013/wp13135.pdf);
30. R.Sharafutdinov, E.Akhmetshin, A.Polyakova, V.Gerasimov, R.Shpakova, M.Mikhailova: Inclusive growth: A dataset on key and institutional foundations for inclusive development of Russian regions/ *Journal Data in brief*, Volume 23, April 2019, 103864. <https://doi.org/10.1016/j.dib.2019.103864>
31. Solow R. Growth Theory: an exposition (2 nd edition). Oxford: Oxford University Press, 2000. -190p
32. Solow R. M. Technical Change and the Aggregate Production Function // *The Review of Economics and Statistics* (англ.)русск.. — 1957. — Август (vol. 39, № 3). — P. 312—320.
33. Yahui Wang,Sien Li,Shujing Qin,Hui Guo,Danni Yang,Hon-Ming Lam. How can drip irrigation save water and reduce evapotranspiration compared to border irrigation in arid regions in northwest China. *Agricultural Water Management*. 1 september 2020. <https://doi.org/10.1016/j.agwat.2020.106256>
34. Абдурахмонов Қ. Оламни маҳлиё айлаган диёр. -Т.: Гафур Ғулом НМИУ, 2016. - 252 б;
35. Абдурахмонов Қ. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари - энг олий қадрият. -Т.: Гафур Ғулом НМИУ, 2017. - 364 б;

36. Абулқосимов Х. Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. -Т.: Адибнашриёт, 2011. -188 б;

37. Абулқосимов Х., Беркинов Б. Давлатнинг макроиктисодий сиёсати. - Т.: Адибнашриёт, 2007. -198 б;

38. Аганбегян А. Социально-экономическое развитие России. - 3-е изд. - М.: Дело, 2005. -272 с;

39. Анатольев С. А. Непараметрическая регрессия / С. А. Анатольев // Квантиль. - 2009. - № 7. - С. 37-52.

40. Апокин А. Ю. Компоненты совокупной факторной производительности экономики России относительно других стран мира : роль технической эффективности / А. Ю. Апокин, И. Б. Ипатова // Тезисы докладов XVI Международной научной конференции НИУ ВШЭ.М. : Изд-во НИУ ВШЭ, 2015. - С. 1-42.

41. Б.Алиханов, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Атмосфера ҳавоси мусаффолигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар/ 11.10.2019/ <http://ekolog.uz/?p=1400>

42. Бакош Г. Технологическая политика в Японии: уроки для стран Восточной Европы // Вопросы экономики. 2017. № 9.

43. Балацкий Е. Отношение к неравенству доходов: количественная оценка// Экономист. -М.: 2007. № 6. с.39-49;

44. Балацкий Е., Павлеченко Р. Иностраные инвестиции и экономический рост: теория и практика// Мировая экономика и международные отношения. -М.: 2002. № 1. с.52-64;

45. Бекмуродов А. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. - Т.: 2005. - 310 б;

46. Бессонов В. А. О динамике совокупной факторной производительности в российской переходной экономике / В. А. Бессонов // Экономический журнал Высшей школы экономики. - 2004. - Т. 8, № 4. - С.

542587.

47. Бессонова Е. В. Оценка эффективности производства российских промышленных предприятий / Е. В. Бессонова // Прикладная эконометрика. - 2007. - № 2. - С. 13-35.

48. БМТ Бош Котибининг Жаҳон Атроф-Муҳит Кунига Бағишланган Баённомаси, 2019.

49. Босчаева З. Формула экономического роста. -М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2018- 366 с;

50. Вахабов А. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашни методологик жиҳатлари // “Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар” номли анжуман материаллари. -Т.: ТДИУ, 2016 йил 12 март;

51. Вахабов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит. -Т.:, 6/2011. 38-42 б;

52. Влияние экономического роста на сокращение доли малообеспеченного населения Узбекистана. Колл. авт. под ред. Чепель С. - Т.: 2012;

53. Губанов С. Новая целевая задача и условия ее решения// Экономист. -М.:2008. № 3. с.3-21.

54. Губанов С. Рост без развития и его пределы// Вопросы экономики. - М.: 2006. №6. с. 14-31;

55. Губанов С. Темпы роста и воздействие на них государства// Экономист. -М.: 2003. №6. с. 19-32;

56. Давнис В. В. Элементы экономико-математического моделирования / В. В. Давнис [и др.]. - Воронеж : Изд-во ВГУ 2001. - 49 с.

57. Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития // М.Спенс, Р.Солоу и др. «ВесМир», 2009.//

[http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth\\_Commission\\_Final\\_Report\\_Russian.pdf](http://siteresources.worldbank.org/EXTPREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth_Commission_Final_Report_Russian.pdf);

58. Иқтисодий атамалрнинг изохли луғати. Ш.Мустафакулов, О.Рахимбердиев, М. Эгамбердиева. Тошкент-2019.

59. Илларионов А. Реальный валютный курс и экономический рост// Вопросы экономики. -М.: 2002. №2. с.19-48;

60. Илларионов А., Пивоварова И. Размеры государства и экономический рост// Вопросы экономики. -М.: 2002. №9. с. 18-45;

61. К.Берденова, В.Штанг, С.Синцов: «Зелёная» экономика как двигатель устойчивого развития/ научной статьи по экономике и экономическим наукам/2012/ <https://cyberleninka.ru/article/n/zelyonaya-ekonomika-kak-dvigatel-ustoychivogo-razvitiya>

62. К.Берденова, В.Штанг, С.Синцов: «ЗЕЛЁНАЯ» ЭКОНОМИКА КАК ДВИГАТЕЛЬ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ/ научной статьи по экономике и экономическим наукам/2012/ <https://cyberleninka.ru/article/n/zelyonaya-ekonomika-kak-dvigatel-ustoychivogo-razvitiya>

63. Каримов Н. Иқтисодий интеграллашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. - Т.: Фафур Фулом НМИУ, 2007. - 214 б;

64. Каюмова И. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқт. фан. док. ... дис. -Т.: 2012. - 289 б;

65. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное/Дж. Кейнс. -М.: Эксмо. 2007. -960 с

66. Ковалев М. Гибридные модели долгосрочного прогнозирования экономического роста стран ЕАЭС / М. Ковалев, Е. Господарик // Вестник Ассоциации белорусских банков. - 2014. - № 33. - С. 1-20.

67. ЛавровЕ.,КапогузовЕ. Экономическийрост: теорииипроблемы. - Омск: Изд-во ОмГУ, 2006

68. Лисситса А. Анализ оболочки данных (DEA) - современная методика определения эффективности производства / А. Лисситса, Т. Бабичева. - Изд-во ИАМО, 2003. - 37 с.

69. ЛукасР. Лекция по экономическому росту/Р. Лукас: пер. сангл. Д.Шестакова. -М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2013. - 288 с

70. Махмудов Н. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия. - Т.: 2016 йил №3. 2-8 б;

71. Махмудов Н.М. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг ролини ошириш йўллари // Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ТДИУ. 2015 йил, 23-29 б;

72. Муаллифлар жамоаси: Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ.//Узбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт// С.С.Фуломов таҳрири остида., 2006, - 440 б;

73. Мустафакулов Ш. Молиявий-иқтисодий таянч сўзларга қиёсий изоҳли луғат. Урмонов Н., Тошкент-2016

74. Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) : Иқт.фан.док. ... дис.: ТДИУ, -Т., 2006. -504 б;

75. Н. А. АЛЬМЕРЕКОВ. Ортодоксальный и гетеродоксальный методы регулирования валютно финансовой сферы экономики. Омский научный вестник. 2007. УДК 336.221:336.743(574)

76. Н. А. АЛЬМЕРЕКОВ. Ортодоксальный и гетеродоксальный методы регулирования валютно финансовой сферы экономики. Омский научный вестник. 2007. УДК 336.221:336.743(574)

77. Р.Алимов, А.Бердинцев, А.Расулев Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Под. ред. А.Хикматова. -Т.: «Узбекистон», 2001, -352 с;

78. Супян В. Б. США на пути к «новой экономике». URL: <http://www.perspektivy.info>

79. Тошқул Бекназаров. Жиззах вилояти ҳокимлиги. Жиззах-2019.

80. Усманов А. Ички захира ва имкониятларни сафарбар қилиш стратегиясининг концептуал асослари. Монография. Б.14. Тошкент 2017.)

81. Хамдамов Ш.Р. “UzBridge” электрон журнали, ISSN 2181-0524. (ОАК журнали) Ташкент, 2019.

82. Хамдамов Ш.Р. COVID-19 пандемия даврида Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги муаммолар ва ечимлар. 12-Халқаро иқтисодчилар форуми. (ОАК журнали) Б.73-76. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент-2020.

83. Хамдамов Ш.Р. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари ва унинг стратегик йўналишлари. Аналитик ишланма. – Т.: 2020. – Б.21

84. Хамдамов Ш.Р. Барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш бўйича янги услубий-амалий тавсиялар. Услубий тавсиянома. ТДИУ ҳузуридаги Илмий тадқиқот маркази № 2021/01/2-1 Тошкент-2021

85. Хамдамов Ш.Р. Барқарорлик иқтисодий атамасининг кўп маъноли таҳлили/“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги Республика миқёсида ўтказиладиган 29-сон кўп тармоқли илмий-масофавий онлайн конференция. Б.9-10. Tadqiqot.uz, Тошкент-2021.

86. Хамдамов Ш.Р. Мамлакатда ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив улушини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш. Ўзбекистонда “Ақлли қишлоқ хўжалиги” ва “Қишлоқ хўжалиги - 4.0” концепцияларини амалга ошириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани. Мақолалар тўплами. Б.298-301, 10 декабрь 2021 йил Тошкент.



87. Хамдамов Ш.Р. Оценка уровня интенсивного роста Республики Узбекистан. Материвлы Международной научно-практической конференции “Innovative Development and potential of Modern Science) Ст.113-117. 17.02.2020, Прага, Чехия.

88. Хамдамов Ш.Р. Сув хўжалигида инновацион тежамкор технологияларни жорий этиш истиқболлари. “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, фан ва таълимнинг интеграциясига инновацион технологияларни тадбиқ этишда халқаро фермерларнинг роли” Халқаро илмий анжуман Мақолалар тўплами. Б.335-340 25-26 сентябрь 2020 йил Наманган.

89. Хамдамов Ш.Р “Инновационные сопоставления”. “Экономическое обозрение” №1. 2020. Б.71-73. <https://www.review.uz/ru/journals/01-241-2020>

90. Хамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш курсаткичлари тахлили, Худудларни ривожлантиришни стратегик режалаштириш: Халқаро тажриба, услублар ва истиқболлар илмий мақолалар тўплами, Тошкент-2019

91. Хамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтишнинг муаммолари ва истиқболлари. Иқтисодиёт ва таълим журнали. 1-сон. Тошкент-2020.

92. Хамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг ўзаро салмоғини аниқлаш. “Иқтисодиёт ва таълим” №5. Б.84-88. Тошкент-2021. (08.00.00; №11).

93. Хубиев К. Теоретические и практические вопросы экономического роста// Экономический рост и вектор развития современной России// Под ред. К.Хубиева. -М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. С. 27;

94. Чепел С. "Иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделига ўтиш учун шароитларни таъминлашда институционал омилнинг роли". "Модернизация стратегияси ва узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш" Ўзбекистон иқтисодчиларининг ИИИ форуми нашрлари тўплами. ИПМИ, ГИЗ, БМТТД, Тошкент, 2017 йил.

95. Ш.Шодмонов Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. ТДИУ. Монография. -Т.: АДИБ НАШРИЁТИ, 2010. 256 б.;

96. Шараев Ю. Теорияэкономическогогороста [Текст]/Ю.Шараев: Гос. Ун-т - Высшая школа экономики. -М.: Изд. Дом. ГУ ВШЭ,-254 с; Налогово-бюджетная политика и экономический рост. Международный банк реконструкции и развития/Всемирный банк. 2007.

97. Шодиев Т. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -Т.: 2011, № 1.

98. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002. - 416 б.;

99. Ю. Литвинова,2010/ От потепления — к технологиям/<https://iq.hse.ru/news/177674414.html>

100. Ю.Булгакова, С.Набок: Взаимообусловленность понятий «зеленая» экономика, «зеленый» рост и устойчивое развитие/ 2017, Выпуск № 5(59) Май 2017, Политические науки

101. Юлдашев Ш. Иностраннме инвестиции как фактор экономического роста в либерализации национального воспроизводство Республики Узбекистан:Дис...док.экон.наук.: Нац. унв. Узб., -Т., 2001. - 350 с;

102. Ясин Е, Акиндинова Н., Якобсан Л., Яковлев А. Состоится ли новая модель экономического роста в России?// Вопросы экономики. - М.: 2013, №5. С. 4-39;

103. Ясин Е. Развитие постсоветской экономики: из прошлого в будущее // Вопросы экономики. -М.: 2017. №6. -с. 5-21;

#### IV. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:

104. 2018 йил 2 октябрь ЎРҚ—491 сонли “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган.

105. European Environment Agency: Green economy [Electronic resource]. — URL: <http://www.eea.europa.eu/themes/economy/intro>(accessed: 12.03.2017).

106. GDP growth (annual %) – India, <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG?locations=IN>

107. GDP per capita growth (annual %) – India, Жаҳон банки маълумотлар базаси, [https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.KD.ZG?locations=IN&most\\_recent\\_value\\_desc=true](https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.KD.ZG?locations=IN&most_recent_value_desc=true)

108. India: Average age of the population(2015)

109. International Monetary Fund // <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2015/wp1542.pdf>;

110. Nordea trad portal, <https://www.nordeatrade.com/en/explore-new-market/israel/investment>

Trading economics. Israel - High-technology Exports (% Of Manufactured Exports) <https://tradingeconomics.com/israel/high-technology-exports-percent-of-manufactured-exports-wb-data.html>

111. Газета.uz, 2015/ТЭМ ҳисобига энергия тизими қуввати 30 фоизгача ошиши мумкин/ <https://www.gazeta.uz/uz/2015/10/16/tem/>

112. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида. <https://soliq.uz/>

113. Жаҳон банки маълумотлар базаси, [https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.PP.KD?locations=IN&most\\_recent\\_value\\_desc=true](https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.PP.KD?locations=IN&most_recent_value_desc=true)

114. Жаҳон банки маълумотлари <https://data.worldbank.org/>

115. Жиззах вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти. <http://jizzax.uz/1670-tomchilatib-suorish-suvni-tezhashning-samarali-usuli.html>

116. Израильский опыт. URL: <http://www.innovatix.ru>

117. Киотский протокол к рамочной конвенции организации объединенных наций об изменении климата — Официальный текст на русском языке, ООН, 1998

118. Развитие инновационной составляющей экономики России: перспективы и роль экономической политики. URL: <http://www.buzdalin.ru>

119. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент.

[http://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20B.pdf](http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20B.pdf)

120. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

121. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли «2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори

122. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида. <http://www.water.gov.uz/uz>

123. Ўзбекистон: Амалий қўлланма. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури. Тошкент-2011.

Янги таклиф этилаётган муаллифлик моделининг мавжуд усуллардан фарқлари солиштирма таҳлили

	AK модели	Солоу модели	Кобба-Дуглас модели	Хоррод-Домар модели	Леонтьев функцияси	муаллифлик модели
<b>Мавжуд формула</b>	$Y = bK^\alpha (LE)^{1-\alpha}$	$Y_t = At F(K_t, L_t)$	$Y = A * K^\alpha * L^\beta$	$\Delta Y = \Delta I / \alpha$	$Y = \min(K/a; L/b)$	$\Delta Y = \Delta A + \Delta K + \Delta L$
<b>Ҳисоблашда қатнашувчи омиллар</b>	b-иқтисодиётнинг унумдорлиги, K-капитал, $\alpha$ -капиталнинг эластиклиги, L-мехнат E-мехнат унумдорлиги	Бу ерда Y-умумий маҳсулот (ишлаб чиқариш хажми), A – техник тараққиёт K-капитал, L-мехнат t-вақт бирлиги F-функция, бу омил эмас.	Бу ерда Y-умумий маҳсулот (ишлаб чиқариш хажми), A - Ялпи омиллар унумдорлиги K-капитал, $\alpha$ -капиталнинг эластиклиги, L-мехнат $\beta$ -мехнатнинг чикши эластиклиги.	$\Delta Y$ – ишлаб чиқаришнинг ўсиши, $\Delta I$ -инвестициянинг ўсиши, $\alpha$ – жамғариш интенсиивлиги	K-капитал, а-капиталнинг эластиклиги, L-мехнат b-мехнатнинг чикши эластиклиги.	$\Delta Y$ – ишлаб чиқаришнинг ўсиши, $\Delta A$ - Ялпи унумдорлик омилларининг ўсиши $\Delta K$ -капитал қийматининг ўсиши, $\Delta L$ -мехнат қиймати қийматининг ўсиши

	<b>АК модели</b>	<b>Солоу модели</b>	<b>Кобба-Дуглас модели</b>	<b>Хоррод-Домар модели</b>	<b>Леонтьев функцияси</b>	<b>муаллифлик модели</b>
<b>Ҳисоблашда қатнашувчи омиллар сони</b>	5	4	5	2	4	3
<b>Ҳисоблашдаги омилларнинг турлари</b>	аралаш	интенсив ва экстенсив омилларга бўлган холда	интенсив ва экстенсив омилларга бўлган холда	Даромадлар орқали (инвестиция, жамғариш интенсивлиги)	Даромадлар ва харажатлар орқали	<i>интенсив ва экстенсив омилларга бўлган холда</i>
<b>Ўлчашнинг Нагура, қиймат ва меҳнатга кўра фарқланиши</b>	нагура	нагура	нагура	қиймат	қиймат	<i>Қиймат ёки фоиз</i>
<b>Макро ёки микро доирада фаол ишлатилиши</b>	-	Макрода фаол, Микрода пассив	Макро ва Микро	Микрода фаол	Микрода фаол	<i>Макрода фаол, Микрода пассив ишлатилиши кутутилмоқда</i>